

# Рўза ва рамазон, икки ҳайит ва зулхижжа ойига оид хикматлар

Мусанниф  
**Анвар Аҳмад**

Тошкент  
2017

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## Муқаддима

Аллоҳ таоло инсонни икки олам орасида яратди. Уларнинг биринчиси руҳоният олами бўлиб, улар фаришталар оламидир. Чунки фаришталар овқат емайдилар, ичимлик ичмайдилар, Аллоҳ буюрган нарсага осийлик қилмайдилар ва буюрилган нарсани амалга оширадилар.

Иккинчиси моддият олами бўлиб, у тилсиз ҳайвонлар оламидир. Ҳайвонларда еб-ичиш ва лаззат олишдан бошқа ғам йўқ.

Инсон эса ушбу икки оламнинг ўртасидадир. Чунки, Аллоҳ таоло уни икки табақа оламда яратган.

Инсонда ақл ва рух бор. Ана шу икки нарса орқали у аброр фаришталар мавқеъсига кўтарилади.

Инсонда тана ва шаҳват бор. Инсон бу иккиси сабабли ҳайвон даражасига тушиб қолади.

Инсон ушбу икки мувозанатни сақлаб, руҳоният олами ва моддият олами орасида мос бўлиб яшаса, у яхшилик узра ҳаёт кечиради. Агар бирини ҳаққини иккинчиси ҳаққига тажовуз қилган ҳолда яшаса, мувозанат бузилиб, Аллоҳ инсонни вакил қилган мажбурияти издан чиқади. Чунки, Аллоҳ инсонни ердаги халифаси этиб таъйинлаб, ер куррасини обод қилишга ва уни ибодат билан зийнатлашга масъул қилган. Исломнинг вазифаси ушбу мувозанатни сақлаб, энг афзал бўлган йўлга йўналтиришдир. Инсон бу билан гўёки фаришталардек тоат-ибодатда яшаб, нафсига қарши курашиб, нажот ва яхшиликка эришади.

Рўза, инсонни ерда туриб руҳоният оламига етказувчи муҳим ибодатлардан биридир. Чунки инсон рўза тутиш билан инсондаги моддий шаҳватдан халос бўлиб, нафсида йўқотган

фаоллик, ҳаракат ва қувватни тиклаб, иймоний ва руҳоний қувватини ошириб олади. Бу билан энди ҳаётдаги мўътадиллик ва мувозанатини ҳам тиклайди.

Рўзада инсон Аллоҳнинг буйруқларига бўйсунган ҳолда шаҳватларидан тийилади. Бу нарса ўз-ўзидан чегарада туришни, Аллоҳ буюрган нарсаларда тақвога яқинлашишни ва ман этган нарсалардан узоқлашишни таълим беради.

Шунингдек, ушбу ман қилиш инсондаги шаҳвоний ҳукмронликни бошқаради. Шунинг учун бу рўза инсонни гуноҳлардан мусафро қилиб ушлаб туради. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам "Рўза пардадир", деб айтганлар. Яъни, рўза шахс ёки жамиятни бузувчи нарсалардан сақловчидир.

Имом Ғаззолий "Ихёу улумиддин", номли китобларида, рўзани, Аллоҳнинг душмани бўлмиш шайтоннинг енгувчи, деб атаганлар. Чунки шайтонни енгувчи воситаси шаҳватдир. Шаҳват эса овқат ва ичимлик ҳисобига кучаяди. Шунинг учун Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам: "Албатта шайтон одам боласининг қон юрадиган жойида юради. Сизлар уни очлик билан сиқиб чиқаринглар", деб айтганлар.

Имом Бухорий ва Муслим Абдуллоҳ ибн Масъуддан қилган ривоятда, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Эй ёшлар жамоаси, сиздан ким никоҳга қодир бўлса, уйлансин. Албатта, у кўзни тўсувчи ва фаржни сақловчидир. Ким қодир бўлмаса, рўзани лозим тутсин, бу унинг учун бичилишдир», деган».**

Ушбу ҳадисдаги «никоҳга қодир бўлса», деб таржима қилинган ибора арабчада «боъа» дейилиб, моддий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан никоҳга қодирлик маъносини англатади.

Демак, шу маънодаги қудратга эга бўлган ҳар бир мусулмон уйли-жойли, оиласи бўлишга ҳаракат қилмоғи лозим. Агар никоҳга моддий ёки маънавий жиҳатидан қудрати етмаган, сарф-харажатни кўтара олмайдиган ёки

уйланса, умр йўлдошига зулм қилишдан ўзини тўхтата олмайдиган ёшлар бўлса, рўза тутмоқлари керак.

Шу йўл билан улар шаҳватини босадилар. Чунки рўза туфайли кишининг шаҳвати пасайиб, бошқа жинсдагиларга шаҳват билан қарамайдиган, фаржини зинога ишлатмайдиган ҳолга келади.

Рўза инсонга инсонлигини эслатади. Чунки инсон доим овқат ва ичимликка муҳтож бўлиб туради. Инсон қачонки башарий эҳтиёжи бўлган овқат ва ичимлиқдан ўзини тийса, ушбу нарсаларга нақадар муҳтож эканини ҳис қила бошлайди. Гўёки рўза инсоннинг заиф ва ҳожатманд эканини эслатиб, бошқаларга тажовуз қилишдан огоҳ этиб туради. Шахс ҳар қандай муҳитда яшамасин у баъзи зулм ва тутғёнга дуч келади. Рўза тутганда нафсини қайта-қайта овқат ва ичимликка муҳтож эканини ҳис қилдирса, у яна расо инсонга айлантираверади.

Агар биз рўзанинг фойдалари ва шахс ҳамда жамият олдидағи сирларини кузатсак ушбу улкан ибодат "абадий ахлоқ мактаби" эканини билиб бораверамиз. Ушбу мактабни кўплаб солиҳ ва фозил инсонлар битириб, ердаги Аллоҳнинг халифаси деган шарафга мушарраф бўлиб боришаверади.

Икки ҳайит ва зулхижжага оид ҳикматларни ҳам рамазон ҳикматларидан кейин келтирдик.

*Аллоҳ таоло:*

**«Албатта, Биз Сенга Кавсарни бердик. Бас, Роббинг учун намоз ўқи ва қурбонлик сўй»,** деган (*Кавсар, 1—2*).

Ушбу ояти карималарда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб қилиб, албатта, у зотга қиёматда жаннатдаги Кавсар ҳовузини беражагини хабар қилмоқда.

«Кавсар» сўзи луғатда «кўп яхшиликлар» деган маънони ҳам англатади. Бу Аллоҳ таоло томонидан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга Куръон, суннат, буюк шафоат, Мақоми Махмуд каби кўплаб яхшиликлар берилганига

ишорат ҳамдир.

Кейин эса, Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни намоз ўқишига амр қилмоқда. Бу оятдаги намоз ийд намозидир. Чунки унинг орқасидан қурбонлик сўйишга ҳам амр келмоқда.

Шунинг учун ҳам ҳанафий мазҳабида ийд намозлари вожиб дейилган.

Ийди Фитр рамазон рўзаси тамом бўлгани муносабати ила хурсандчилик ва шукрни изҳор қилиш учун шариатга киритилган байрамdir.

Ийди Қурбон эса, ҳаж ибодатлари тамом бўлгани муносабати ила ва Аллоҳнинг йўлида ҳар қандай қурбон беришга тайёрликни изҳор қилиш учун шариатга киритилган байрамdir.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам зулҳижжа ойининг аввалги ўн куни ҳақида:

«Ҳеч бир кундаги солих амал Аллоҳ учун ушбу ўн кунчалик маҳбуб эмас», дедилар.

Мулоҳаза қиладиган бўлсак, бу ҳадисда мазкур кунларда рўза тутиш ҳақида бевосита сўз юритилаётгани йўқ. Балки солих амал қилиш ҳақида сўз кетмоқда. Нафл рўза тутиш эса, энг солих амаллардан бири ҳисобланади.

Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунида кўпроқ солих амал қилишга қаттиқ тарғиб этишдан мурод, ўша кунлари қилинадиган солих амаллар Аллоҳ учун энг маҳбуб амал эканлиги сабабидандир .

Демак, Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлигига кўпроқ солих амаллар қилишга уринмоғимиз лозим.

*Анвар Аҳмад*

الصرم هو الركـن الرابع!  
والصلة هي الركـن الثاني!



فلا تفتضـر بصيامـك وانت تارـك الصلة!

1. Рўза – Исломнинг тўртинчи рукни. Намоз эса иккинчи рукнидир.

Намозни тарқ қилган ҳолда тутган рўзанг билан фахрланма!

يا رب ..  
تركنا الماء البارد في شدة  
الحرارة استجابة لأمرك  
فاسقنا اللهم من الحوض  
المورود في اليوم الموعود

2. Роббим! Шиддатли иссиқ кунда ҳам Сенинг буйруғингга мувофиқ муздек сувдан тийилмоқдамиз!

Аллоҳим! Бизларни ваъда қилинган Кундаги ҳавзи кавсар сувидан баҳраманд қил!

# رمضان

قد يعني شهر رمضان أشياء كثيرة. هناك من فكر بـأن أحرف الكلمة "رمضان" تدلنا على ما يلي:



3. «Рамазон» сўзи кўплаб нарсаларни англатади.

Баъзилар «Рамазон» сўзи қуидаги нарсаларни англатишини ҳам зикр қилишади.

ра – Раҳмат;

ма – мағфират;

з – жаннатда зиёфат;

о – дўзахдан омонлик;

н – Азиз ва Ғаффор сифатли Зот – Аллоҳдан нур.



4. Ибн Умар розияллоҳу анхумо Рамазонда факат мискин ва бечоралар билан ифторлик қиласар ҳамда буни ҳеч қачон

тарк этмасдилар. Агар аҳли аёлларидан бирортаси у кишига тўсқинлик қилса, ўша кеча овқатланмасдилар.



5. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Саҳарликни ейиш баракадир, уни бир қултум сув ичиб бўлса ҳам тарк этманглар. Чунки Аллоҳ ва Унинг фаришталари сахарлик қилувчиларга салавот айтади», дедилар».

*Имом Аҳмад ривоят қилган.*



6. Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Модомики одамлар ифторликни тез қиласар эканлар, хайдарда бўлурлар», дедилар.

*Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.*

Абу Довуднинг лафзида:

«Модомики одамлар ифторликни тез қилишар экан, дин устун бўлур. Чунки яхудий ва насоролар уни кечга сурурлар», дейилган.

Термизий ва Аҳмаднинг ривоятларида эса:

«Аллоҳ азза ва жалла: «Мен учун бандаларимнинг энг маҳбуби ифторликни тезроқ қиласиганидир», деди», дейилган.

رمضان  
تفقدوا أحوال أقاربكم وجيرانكم ، فكم من بيوت  
أغلقت أبوابها من التعفف ..



7. Рамазонда қариндош-уруг ва қўшниларингиз ҳолидан хабардор бўлиб туринг. Қанчадан-қанча хонадонларнинг (сўрашдан ҳаё қиласани учун) иффати сабабли эшиклари ёпиқ турибди.




8. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким иймон билан, савоб умидида Рамазон рўзасини тутса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади**», дедилар».

*Муттафақун алайҳ.*

Яна у зот: «**Ким Рамазонда иймон билан, савоб умидида қоим бўлса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади**», дедилар». Муттафақун алайҳ.

Яна у зот: «**Ким Қадр кечасини иймон билан, савоб умидида қоим қилса, ўтган гуноҳлари мағфират этилади**», дедилар».

*Муттафақун алайҳ.*



9. Авомнинг рўзаси фақат овқат ва ичимлиқдан тийилишдир. Мўминларнинг рўзаси маъсият ва гуноҳлардан ҳам тийилишдир. Тақводорларнинг рўзаси Аллоҳдан бошқа нарсани тарк қилишдир.

### فكرة رائعة في رمضان

أذهب إلى المحلات داخل الأحياء واطلب من صاحب المحل  
دفتر المديونيات -**الكريدي**- ستجد أرامل وفقراء يشرون  
و يمبلغ بسيط في نظرك لكنه ثقيل بالنسبة لهم  
قم بتسديد المديونيات او حتى جزء منها و احذفها من الدفتر

10. Рамазонда пайдо бўлган ажойиб фикр: «Маҳаллангдаги дўконга бор-да, сотувчидан қарзлар дафтарини сўра. Ўша дафтарда бева-бечоралар ҳамда камбағаллар харид килган, лекин пули тўланмаган маҳсулотлар рўйхати ёзилган. Сен ўша қарзларни ёки уларнинг бир қисмини ёпиб, дафтардан уларнинг исмини ўчиритириб юбор. Ўша маблағ сенинг назарингда арзимасдир, аммо улар учун оғирдир.



## 11. Рамазон ойида ёш болаларни рўза тутишга қизиқтириш воситалари:

Илгари Шом ахлининг шундай одати бор эди: улар ёш болаларига рўза тутишни ўргатар экан, уни «минора зинаси» деб номлашар эди. Демак, ёш бола аввал бомдоддан пешингача рўза тутади. Сўнг пешиндан асргача рўза тутади. Кейин асрдан то қуёш ботиб, катталар билан оғиз очгунича рўза тутади. Биринчи рўза тутган куни бу бола учун маҳсус ифторлик дастурхони ёзилади. Дастурхонга турли-туман таомлар, ичимликлар ва ҳар хил ширинликлар ҳамда мевавалар қўйилади. Бола ўртада туради. Аҳли уни ўраб олиб, мақтаб, олқишлийдилар. Аллоҳга ҳамд айтишни ўргатадилар. Унга Аллоҳ хузурида қандай ажрлар борлигини тушунтирадилар. То ифтор бўлганини билдирувчи аzon айтилгунича шундай қиласидилар. Мазкур дастурхон ёш болаларнинг рўзага бўлган муҳаббатини оширишда омил бўладиган энг муҳим воситалардан биридир.

*Али Тантовий.*



## Рамазондаги танбехлар!

12. Баъзи рўзадорларнинг ифтор пайтидаги дуодан ғафлатда қолиши хатодир. Ифтор пайтидаги дуо суннатdir. Бунда рўзадор учун улкан фазл бор ва ундаги дуо рад этилмас. Рўзадорнинг ифтор пайтидаги дуоси ижобат қилингандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Уч дуо рад этилмайди: ота-онанинг дуоси, рўзадорнинг дуоси ва мусофирирнинг дуоси**», деганлар. (*Имом Аҳмад ривоят қилган*)

Оғизни очгач, қуйидаги дуони айтиш ҳам суннатdir:

**«Заҳабаз-зама`у вабталлатил уруқу ва сабатал ажру, иншааллоҳу таъалаа»** (Чанқоқлик кетиб, томирлар ҳўлланди, иншааллоҳ, ажрлар ёзилди)

*Абу Довуд ривоят қилган*



### 13. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинади.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Рамазон ойида менинг умматимга мендан аввалги пайғамбарларга берилмаган беш нарса берилди:

Биринчиси: Рамазон ойининг аввалги кечаси Аллоҳ уларга (раҳмат) назари билан боқади, кимга Аллоҳ раҳмат назари билан боқса, уни ҳеч ҳам азобламайди.

Иккинчиси: Уларнинг оғзидағи ҳид Аллоҳ хузурида мискнинг ҳидидан ҳам хушбўйроқ бўлади.

Учинчиси: Фаришталар уларнинг ҳақларига туну кун истиғфор айтадилар.

Тўртинчиси: Аллоҳ азза ва жалла жаннатига: «Бандаларим учун тайёрлангин ва безангин. Улардан тезда дунё қийинчиликлари, ташвишлари кетиб, Менинг жаннатим ва зиёфатимга келадилар», дейди.

Бешинчиси: Рамазоннинг охирги кечаси бўлганда, уларнинг барчасини Аллоҳ мағфират қилиб юборади», деган эдилар, (атрофдагилар): «Эй Аллоҳнинг Расули, у Қадр кечасими?» дейишиди. Шунда у зот: «Йўқ! Агар ишчилар ишларини тугатсалар, ҳақлари тўлиқ қилиб бериладими?!»

(Яъни бу мукофот улар рўзани тўлиқ тутганлари учун берилади, Қадр кечасининг савоби алоҳида берилади).

*Насоий ва Байҳақий ривоят қилишган.*



14. Абдуллоҳ ибн Масъуддан: «Сизлар Рамазон ойини қандай кутиб олардинглар?» деб сўрашди. У киши: «Бизнинг кишилар янги ойни мусулмон биродарига нисбатан қалбида заррача адоват ва кек сақламаган ҳолда кутиб олар эди», дедилар.

Аллоҳим! Ўзингни гувоҳ қилиб айтаманки, мен ҳам қалбимда халқингдан бирортасига зарра мисқолича ҳам адоват сақламадим.

Аллоҳим! Бандаларингдан бирортаси қалбида менга нисбатан ҳам зарра мисқолича адоват сақламаслигини Сендан сўрайман.



15. Аллоҳим, рўза тутишда, рўза кечаларида ибодатда қоим бўлишда, кўзни сақлашда ва тилни сақлашда менга Ўзинг ёрдам бергин.



للدخينين نقول رمضان فرصة عظيمة لترك  
هذه الآفة اللعينة فاعزم من الآن على تركها  
وتركتها ولتكن نيتك صالحة، فانو أنك تركتها  
الله ثم لتحافظ على صحتك وعلى مالك ،  
واسأل الله أن يعينك على ذلك .

16. Папирос чекувчиларга айтамизки, бу балодан қутулишингиз учун Рамазон ойи ажойиб фурсатдир. Уни ташлашга Рамазон келмасидан олдин қасд қилинг, ниятингиз яхши бўлсин, сиз уни Аллоҳ учун тарк қилинг. Шунда сиз соғлифингизни ҳам, молингизни ҳам сақлаган бўласиз. Аллоҳдан бу борада сизга ёрдам беришини сўраб қоламиз.

أَخْبَارُكَ

لماذا يتتحول رمضان إلى شهر ترفيفي بدلاً من شهر روحاني؟ لست شيخاً ولا داعية، ولكنني أفهم الآن لماذا كانت والدتي تدير التلفاز ليواجه الحائط طوال شهر رمضان

17. Нима учун Рамазон ойи рухиятни поклаш ойига эмас, дабдабалар ойига айланиб кетмоқда? Мен катта олим ёки даъватчи эмасман. Лекин нима учун онам бутун Рамазон ойида телевизорни девор томонга қаратиб, йиғиштириб кўйганларини энди тушуниб ет япман.

*Доктор Мустафо Махмуд*



18. Исломда буюрилган, савоб олинадиган, рўзадорга мағфират ва жаннат эшикларини очадиган ҳақиқий рўза таомдан, ичимликдан ва аёлларга яқинлик қилишдан ўзини тийишдангина иборат эмас. Баъзи одамлар парҳез қилиш мақсадида ёки соғлиқни тиклаш учун, ёки зулмга қаршилик маъносида, ёки урф-одатларга эргашиб ва бошқа шунга ўхшаш мақсадларда рўза тутишади. Лекин Ислом буларнинг бирортасига «тош босадиган амал» деб қарамайди. Ислом мезонидаги эътиборли рўза иймон билан, савоб умидида, яъни Аллоҳнинг ваъдасини тасдиқлаб, Аллоҳ хузуридаги нарсанинг талабида тутилган рўзадир.



19. Агар Рамазон ойи кирса, имом Зухрий: «Ушбу Рамазон ойи Куръон тиловат қилинадиган ва таом улашиладиган ой», деб айтар эдилар.

د. خالد أبو شادي

نومك في رمضان عبادة:  
 - إن نويت به هجر القنوات التي تبث  
 السيئات والمنكرات.  
 - التقوّي به على صلاة الفجر وقبلها  
 السحور.  
 - نمت على طهارة وذكر.

20. Агар Рамазонда фахш ва одобсиз нарсаларни кўрсатадиган каналлардан четланишни, бомдод намози ва ундан олдинги сахарликка куч йифишни ният қилиб ухласанг ҳамда тахорат ҳамда зикр билан ухласанг, бу уйқунг ибодат хисобланади!



21. Илмий изланишлар натижасига қараганда, Рамазон ойида рўзадор учун энг яхши озука хурмо бўлиб, сув билан бирга ейилган хурмо эса рўзадор оғиз очгандаги энг афзал таом экан. Чунки хурмонинг таркибида инсон танаси учун зарур бўлган бир неча хил витамин, шириналлик ва минераллар мавжуд экан.

Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон сизлардан бирортангиз оғиз очса, хурмо билан очсин. Агар хурмо топа олмаса, сув билан очсин, чунки у покловчиидир», деганлар. (*Абу Довуд ривоят қилган*)



قال رسول الله ﷺ :

«مَنْ فَطَرَ صَائِمًا كَانَ لَهُ مِثْلُ أَجْرِهِ،  
غَيْرَ أَنَّهُ لَا يَنْقُصُ مِنْ أَجْرِ الصَّائِمِ شَيْئًا»

صحیح الترمذی (702)

22. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким рўзадорга ифторлик қилиб берса, унга унинг ажрича ажр бўлур. Рўзадорнинг ажридан ҳеч бир нарса кам бўлмас**», дедилар».

*И мом Термизий ривоят қилган.*

**Изоҳ:** Ушбу ҳадиси шарифда рўзадор кишига ифторлиги учун таом бериш улкан савобли иш экани таъкидланмоқда. Рўза тутган одамга қанча савоб берилса, унга ифторлик ҳозирлаб берган одамга ҳам шунча савоб берилиши баён қилинмоқда. Унга рўзадорнинг савобидан олиб берилмайди, балки ўзига алоҳида савоб берилади.

Лекин бу ўзи рўза тутмай, рўзадорга ифторлик қилиб берса, рўза тутган ўрнига ўтади, дегани эмас. Рўза тутиш ҳар бир инсон учун фарздир. Ҳар ким ўзига фарз қилинган рўзани ўзи тутиши керак. Бошқа ҳеч нарса бунинг ўрнини боса олмайди. Рўзадорга ифторлик бериш эса фақат хайр-эҳсон ҳисобланади. Бу ишни қилган одам шунга яраша савоб олади.

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال الله :  
﴿وَأَنْ تَصُومُوا خَيْرٌ لَكُمْ﴾


سُئلَ أَعْرَابِيًّا :  
كَيْفَ تَصُومُ فِي حِرْ هَذَا الْيَوْمِ ؟  
فَقَالَ : أَصُومُه لِيَوْمٍ أَحْرَ مِنْهُ !  
«يَقْصِدُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ» .



23. «Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир» (*Бақара сураси, 184-оят*).

Бир сахролик арабдан: «Бундай иссиқ кунда қандай қилиб рўза тутяпсан?!» деб сўрашди. У: «Бундан ҳам иссиқ кун

(яъни Киёмат куни омонда қолиш) учун рўза тутяпман», деб жавоб берди.



## 24. Шайх ибн Атоуллоҳ Сакандарий айтадилар:

«Кўп нафл рўза тута олмайдиган ва нафл намозларни ўқий олмайдиган киши Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламга кўп-кўп салавот айтиши лозим. Чунки сизнинг умр бўйи қилган ибодатингиз билан Аллоҳ таоло сизнинг ҳаққингизга бир марта айтган салавоти солиширилса, сизнинг умр бўйи қилган ибодатингиздан кўра Аллоҳ таоло сизнинг ҳаққингизга айтган биргина салавоти оғир келади. Чунки сиз ўз даражангизга мос намоз ўқийсиз, ибодат қиласиз. Аллоҳ таоло эса Ўз буюклигига муносиб салавот айтади.

Аллоҳ таолонинг биргина салавоти сизнинг бутун умр қилган ибодатингиздан устун келади. Энди У Зот сиз учун ўн марта салавот айтишини тасаввур қилиб кўринг-а!!!

Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким менга бир марта салавот айтса, Аллоҳ унга ўн марта салавот айтади», деганлар».

(Аллоҳ таолонинг бандаларига айтган салавоти – раҳматидир.)



25. Сабр уч турли бўлади:

1. Аллоҳга қилинган тоат-ибодатдаги сабр.
2. Аллоҳ ҳаром қилган нарсалардан тийилишдаги сабр.
3. Аллоҳнинг азоб берувчи қазои-қадарларига қилинган сабр.

Рўза эса сабрнинг ушбу уч турини ҳам ўзида жамлайди.



26. Таровех ёки таҳажжуд намозида ота-онангнинг ҳаққига қилган дуоинг уларга атаб сўйган ўнта туюнгдан афзалдир.



27. Баъзи солих салафлар айтишиди:

Намоз ўз эгасини (Аллоҳ томон бўлган йўлнинг) ярмигача олиб боради. Рўза подшоҳ(Аллоҳ)нинг эшигигача олиб боради. Садақа эса унинг қўлидан ушлайди-да, подшоҳнинг хузурига олиб киради.



28. Рамазон ойининг фазилатларидан бири – унда ижобат бўлувчи дуо бордир.

Бу ҳақда имом Аҳмад Жобир розияллоҳу анҳудан яхши санад билан ривоят қиласидилар:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Ҳар бир мусулмоннинг Рамазонда ижобат бўладиган дуоси бор», деганлар».**

Ушбу дуо ифтор пайтидаги дуо экани ҳақида кўплаб ҳадислар ворид бўлган. Шундай экан, банда ифтор пайтида ўзида кўплаб нарсаларни жамлаган дуони қилишга ошиқиши лозим.



## 29. «Рамазон» дармондориси!

- \* Тавба (ҳар қандай гуноҳдан сўнг);
- \* Хатми Қуръон (кунига камида бир пора);
- \* Зикр ва дуо (сахарда, тунда, ҳар доим);
- \* Жамоат намози (Масжидларда. Кунига беш маҳал).



30. Агар рўза қалбингни покламаган экан, демак, сен хақиқий рўзани топа олмабсан!



31. Рамазондаги энг аламли азоб онасиз хонадондир. Аллоҳим, уларга раҳм қил ва сабри жамил ато қил!



32. Солих салафлар Аллоҳнинг Китобига бошқача эътибор беришар эди. Айниқса Рамазонда уларда ақл бовар қилмас даражада ажойиб бир ҳолатни кўрамиз. Баъзи солих салафлар Рамазоннинг ўн кечасида хатм қилишар, баъзилар етти, баъзилар эса уч кечада тамом қилишар эди.



د أحمد عيسى المعصراوى

وَأَنْتُمْ صَائِمُونَ كُوْنُواْ فَرَحِينَ ،  
 مُبْتَسِمِينَ فَإِنَّمَا تَصُومُونَ لِأَجْلِ اللَّهِ ، لِأَجْلِ  
 بَابِ الرِّيَانِ فَلَا تَمْنُونَ  
 عَلَى رَبِّكُمْ بِسْوَءِ أَخْلَاقِكُمْ

33. Рўзани хурсанд бўлиб ва табассум қилган ҳолда тутинг. Чунки сиз Аллоҳ учун ва жаннатнинг Райён эшигидан кириш учун рўза тутмоқдасиз. Аммо ёмон хулқингиз билан Роббингизга йўлиқиши умид қилмай қўяқолинг!

قال الحسن البصري رحمة الله : "إِنَّ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَ جَعْلَ شَهْرَ  
رَمَضَانَ مُضْمَارًا لِخَلْقِهِ يَسْتَبِقُونَ فِيهِ لَطَاعَتِهِ، فَسَبَقَ قَوْمٍ فَفَازُوا،  
وَتَخَلَّفَ أُقْوَامٌ فَخَابُوا"

### 34. Ҳасан Басрий айтадилар:

«Халойик тоат-ибодатда мусобақалашыши учун Рамазон ойини Аллоҳ таоло мусобақа майдони қилди. Бир қавм у мусобақада ғалаба қозонди, бошқа бир қавм ортда қолиб, енгилди».


#### مَنْ هُوَ الصَّالِمُ؟؟

- والصَّالِمُ هُوَ الَّذِي صَامَتْ جَوَارِحَهُ عَنِ الْأَنَامِ
  - وَلِسَانِهِ عَنِ الْكَذِبِ وَالْفَحْشَى وَقَوْلِ الزُّورِ
  - وَبِطْنِهِ عَنِ الطَّعَامِ وَالشَّرَابِ وَفِرْجِهِ عَنِ الرَّفَثِ،
  - إِنْ تَكُلْ لَمْ يَكُلْ بِهَا يَجْرِي صَوْمَهُ
  - وَإِنْ فَعَلَ لَمْ يَفْعُلْ مَا يَسْدِدُ صَوْمَهُ
  - فَيُخْرِجُ كَلَامَهُ كُلَّهُ نَافِعًا صَالِحًا،
  - وَكَذَلِكَ أَعْمَالَهُ فَهِيَ بِمَنْزِلَةِ الرَّانِعَةِ الَّتِي يَشْمَمُهَا مِنْ جَالِسٍ حَامِلِ الْمَسْكِ،
  - كَذَلِكَ مِنْ جَالِسِ الصَّالِمِ اتَّفَعَ بِمَجَالِسِهِ
  - وَآمِنَ فِيهَا مِنِ الزُّورِ وَالْكَذِبِ وَالْفَجْرِ وَالظُّلْمِ،
  - هَذَا هُوَ الصَّوْمُ المُشْرُوعُ لَا مُجَرَّدُ الْإِمْسَاكُ عَنِ الطَّعَامِ وَالشَّرَابِ،
  - فَالصَّوْمُ هُوَ صَوْمُ الْجَوَارِحِ عَنِ الْأَنَامِ
  - وَصَوْمُ الْبَطْنِ عَنِ الشَّرَابِ وَالطَّعَامِ،
  - ذَكَرًا أَنَّ الطَّعَامَ وَالشَّرَابَ يَقْطَعُهُ وَيَسْدِدُهُ فَهُوَكُذا الْأَنَامِ
  - يَقْطَعُ تَوَابَهُ وَيَسْدِدُ ثَمَرَتَهُ، فَتَصِيرُهُ بِمَنْزِلَةِ مَنْ لَمْ يَصُمْ .
- [ "الوابل الصَّيْب" ص (٣٢/٣١) : ]

### 35. Рўзадор деб кимни айтилади?

- Рўзадор – тана аъзоларини гунохдан тийган киши.
- Тилини ёлғон, фахш ва сохта нарсалардан сақлаган киши.
- Корнини овқат ва ичимликлардан, фаржи(жинсий аъзоси)ни жинсий қовушишдан сақлаган киши.

- Гапирса, рўзасига жароҳат етказадиган сўзни сўзламайди.
- Бирор ишни бажарса, рўзасини бузадиган ишга қўл урмайди.
- Сўзларининг барчаси фойдали ва яроқли бўлади.
- Шунингдек, бажарган барча ишидан шундай бир ифор таралсинки, сухбатдоши унинг ҳидидан баҳраманд бўлсин.
- Ким рўзадор билан бирга ўтирса, унинг сухбатидан манфаат олсин.
- Ўтирган киши сохталик, ёлғон, бузуқлик ва зулмдан омонда бўлсин.
- Мана шу фақат таом ва ичимликдангина тийилинмаган ҳақиқий рўзадир.
- Рўза аъзоларнинг гуноҳдан тийилишидир.
- Қориннинг таом ва ичимликдан тийилишидир.
- Таом ва ичимлик рўзани очиб, бузгани каби, гуноҳлар ҳам унинг савобидан маҳрум қиласди. Оқибатда уни рўза тутмаганлар қаторига қўшиб қўяди.



36. Қайта тирилиш куни: «Савоби Аллоҳга ҳавола қилинганлар қани?» деб нидо қилинади. Шунда сабр қилганлар, рўзадорлар ва одамларни афв қилиб, кечириб юборганлар «Лаббай» дейишади.



37. Сабрни чиройли тарзда ўташ имконини топган киши бошқа ҳар қандай ишни чиройли тарзда адо этишга имкон топа олади.



38. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:  
«Садақаларнинг энг афзали Рамазонда берилган садақадир», дедилар».

*Имом Термизий ривоят қилган.*



### 39. Барча мусулмонлар диққатига!!!


Илтимос! Рамазон ойида ифторлик учун ёзган дастурхонингизни суратга олиб, тарқатманг. Чунки ичимиизда мусофиirlар, қочқин, етим, маҳрум, муҳтож, камбағал ва очлар бор.

(Уларга озор бериш орқали рўзанинг савобидан маҳрум бўлманг!)



40. Амалларни чиройли суратда адо этмасдан, рўзангни бузиб қўйма.

- Намозингни зое қилиш орқали рўзангни бузма.
- Садақа улашмасдан, рўзангни бузма.
- Ҳиссиётга берилиб, бошқаларни сўкиш орқали рўзангни бузма.
- Мехмондорчиликни кўпайтириб, рўзангни бузма.
- Кўп гапириб ва чақимчилик қилиб, рўзангни бузма.
- Ота-онангга оқ бўлиб, рўзангни бузма.
- Кўзингни номаҳрамларга қаратиб, рўзангни бузма.
- Папиросга таслим бўлиб, рўзангни бузма.
- Вақтингни зое қилиб, рўзангни бузма.
- Ҳижобингга бепарво бўлиб, рўзангни бузма.
- Қариндошлардан алоқани узиб, рўзангни бузма.



41. Инсонда фаришталарга хос, шайтоний ва ваҳшийлик хусусиятлар бўлади.


Фаришталарга хос хусусияти – иймон, раҳм, тоат-ибодат, хушуъ ва нафсий юксалиш.

Шайтоний хусусияти – ҳаром қилинган шаҳват, ёлғон, хийла ва бузғунчилик.


Ваҳшийлик хусусияти – ғазаб, зўравонлик ва зулм.

Рўза аслида ваҳшийлик ва шайтоний хусусиятлардан халос бўлиб, фариштасифат хусусиятни қўлга киритиш ойидир.

*Али Тантовий.*



42. Рамазон нафсга тавозеъ ва хокисорликни ўргатадиган мавсумдир.



43. Рамазон – зухд ойидир.



44. Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда: «Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Мен – Ўзим берурман. Рўздорнинг оғзидағи ҳид Аллоҳ ҳузурида мушку анбар ҳидидан ҳам хушбўйроқдир», деган». (*Ином Бухорий ва Муслим ривоят қилишиган*)

*Шарҳ:* Ушбу ҳадиси қудсийда рўзанинг фазилати ва унинг бошқа амаллардан ажралиб турувчи хусусияти борлиги ҳақида сўз юритилмоқда.

Аллоҳ таоло рўзани бандасининг амаллари ичидан Ўзи учун хос қилиб олганини айтмоқда.

Уламолар ушбу ҳадиси шариф устида фикр юритиб, қуйидаги сўзларни айтишади:

Киёмат куни мазлумлар золимдан қасос олиб, қилган зулми эвазига яхши амалларни тортиб олишлари мумкин. Чунки бошқа бир ҳадисда:

«Киши қиёмат куни тоғлар каби яхшиликлар билан келади. Лекин уни сўккан, буни урган ёки яна бирининг

**молини еганлиги сабабли унинг яхшилигидан мазлумга олиб берилади. Ҳатто золимнинг яхшилиги тугаб, ҳеч нарса қолмагач, энди мазлумнинг гуноҳидан золимга юкланади ва золим (гуноҳи кўпайиб кетгач,) дўзахга ташланади», дейилган. Фақат рўза ундаи эмас.**

Рўзани қиёмат куни ҳақдорларга улашиб берилмайди. Аллоҳ рўзани унинг эгаси учун шу даражада сақлаб қўяр эканки, унга ҳатто ҳақдорлар ҳам журъат қила олмас экан.

Шунга биноан **«Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Мен – Ўзим берурман»**, деган».

Яъни Одам боласининг амаллари қасос сабабли талафот кўриб, ҳақдорлар тортиб олиши сабабли камайиши мумкин экан. Фақат рўзага дахл қила олмас экан.

Яна баъзи уламолар ушбу ҳадиснинг шарҳида қуйидагиларни айтишган: «Бошқа амаллардан фарқли ўлароқ, рўзага ширк аралашиб қолмайди. Чунки мушриклар маъбудаларига қурбонлик ва назр аташар, унга дуо, хавф ва ражо қилишар ва яна бундан бошқа ибодатлар билан уларга яқинлашишар эди. Лекин бирорталари бут-санамлари учун рўза тутишгани зикр қилинмаган. Албатта, рўза Аллоҳ учун хос бўлган ибодатдир. Шундан келиб чиқиб, У Зот: **«Рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Мен – Ўзим берурман»**, деган».

Яъни мушриклар бут-санамлари учун рўза тутиб, уларга қурбат ҳосил қилишмаган. Фақат мўминларгина Аллоҳ учун рўза тутиб, У Зотга қурбат ҳосил қилишган».

Баъзи уламолар: «Рўза ботиний амал бўлиб, уни фақат Аллоҳ билади. Бошқа амалларга хилоф ўлароқ, у қалбдаги ният билан адо этилади. Демак, у banda билан Робби орасидаги сирли амалдир», дейишган.

Рўзадан бошқа ҳамма амалларда амал қилувчи хоҳласа-хоҳламаса, бир оз риё, обрў-эътибор, ўзгаларнинг ҳаваси, мақтови пайдо бўлади. Мисол учун, намоз ўқиган одамнинг

тахорат қилганини, намозга жой танлаганини ва намоз ўқиётганини бошқалар кўради. «Бу одам намоз учун тахорат қилмоқда, бу одам намоз учун жой танламоқда, бу одам намоз ўқимоқда, яхши одам экан», деган фикр хаёлидан ўтиб, унга хурмат-эътибор билан қарайди.

Шунингдек, закот берувчи ҳар қанча яширса ҳам, ҳеч бўлмаганда закотни олган киши билади, ҳаққига дуо қилади.

Ҳаж ибодатига боргани эса ҳатто катта шов-шувга айланиб кетади. Қайтганидан сўнг гуруҳ-гуруҳ кишилар зиёратига келади. «Ҳожи ака» ёки «Ҳожи она», деб чақириладиган бўлади.

Рўзада эса бу нарсаларнинг бирортаси йўқ – рўза тутмоқчи бўлган одам кечаси, ҳеч ким кўрмайдиган вақтда сахарлик қилади. Кундузи эса ҳамма қатори юраверади. Ифтор вақти кирмагунча ҳеч кимсиз, ёлғиз ўзи қолса ҳам Аллоҳ таоло кўриб турганини ҳис қилиб, оғзини очиб юбормайди. Ана шуларнинг барчаси рўза Аллоҳ учун тутилишининг белгисидир.

Шунинг учун ҳам ёлғиз Аллоҳ учун бўлган ибодатнинг мукофотини Аллоҳ таоло Ўзи билиб беришни ваъда қилмоқда. Бу ҳақиқатни яна ҳам тўлиқ тушуниб олишимизга бошқа бир ривоятдан келтирилган қўшимча ёрдам беради.

**«Одам боласининг ҳамма амали (савоби) кўпайтириб берилур. Бир яхшиликка унинг ўн мислидан то етти юз баробаригача. Аллоҳ азза ва жалла: «Магар рўза Мен учундир. Унинг мукофотини Мен берурман. У (одам боласи) шаҳвати ва таомини мен учун тарк қилур», деди».**

Демак, рўзадан бошқа амалларнинг савоби қай миқдорда кўпайтириб берилиши аниқ айтилган. Бир амал учун савоб ўн мартадан то етти юз мартагача кўпайтирилиши мумкин. Аммо ундан ортиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

Рўза учун бериладиган савоб эса шу даражада кўп бўладики, уни Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким билмайди, идрок ҳам қила олмайди. Рўзадорнинг амали бунчалар юқори

баҳоланишининг сабаби шуки, у таоми ва шаҳватини фақат Аллоҳ таоло учун тарк қилиб, рўза тутганидир.



45. Солих салафлар Рамазон ойини Қуръон мадрасаси, яъни Қуръонни тиловат қилиш, эшитиш, англаш ва тафаккур қилиш ойи деб билардилар. Суфён Саврий Рамазон ойи кириши билан барча ишларини ташлаб, Қуръон тиловатига киришардилар. Имом Бухорий ҳазратлари эса Рамазон ойида ҳар куни кундузи Қуръони Каримни бир мартадан хатм қиласардилар. Кечкурун таровехнинг уч кечасида ҳам бир марта хатм қилиб тугатардилар.



#### 46. Рамазоннинг саккизинчи тонгига:

«Аллоҳим! Сендан қалбларимизга назар солишиңгни сўраймиз. Агар унда ғам ёки сиқилишни топсанг, уларни суғуриб ташла. Ахволимизни шодлик, саодат ва роҳатга ўзгартири», деб дуо қиласиз.



#### 47. Рамазон ойида тавба ва солих амаллар билан нафсларингизни зийнатланглар!

**حَدِيثٌ عَظِيمٌ**

عن سعد بن عبادة : أَنْ أَمَّهَ ماتت فَقالَ  
لِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ إِنْ أُمِّي ماتت أَفَأَتَصَدِّقُ عَنْهَا؟  
قَالَ: نَعَمْ. قَالَ: فَأَيُّ الصَّدَقَةِ أَفْضَلُ؟ قَالَ:  
**((سُقْيَ الْمَاءِ))**

رواد الإمام أحمد في "المسند" (٦ / ٧)  
والنسائي (٣٦٦٦)

48. Саъд ибн Убодадан ривоят қилинади:

«У кишининг оналари вафот қилганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга: «Онам вафот қилди, унинг номидан садақа қилсам бўладими?» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳа», дедилар. У: «Садақанинг қайси бири афзал?» деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сув улашиш», деб айтдилар».

*Имом Аҳмад ва Насоий ривоят қилишиган.*

(Рамазонда сув улашиш эса ундан-да улуғ савобга сазовордир)



49. Рўза сабрнинг ярмидир.



50. Бир ой түлиқ рўза тутгандан сўнг танангизда нималар содир бўлишини биласизми?!

1. Баданингиздаги саксон фоиз заҳарли моддалар чиқиб кетади.

2. Ошқозон ости бези фаол ишлайди. Шу боис қандли диабет касаллигига чалиниш саккиз ой муддат ортга сурилади.

3. Мия никотин моддасидан халос бўлади. Бу нарса папиросни ташлашга ёрдам бериб, танани кофеин моддасидан халос этади.

4. Қаришни уч ойга ортга суради. Бунга қўшимча равишда ҳужайраларни тозалайди.

5. Рўза танадаги ўлимга ҳозирланаётган барча ҳужайраларни, айниқса иммунитет ва қон айланышда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужайраларни ҳимоя қиласиди.

6. Рўза узоқ муддат ишлаб келаётган ҳужайраларга дам бериш орқали уларни янгилашиб, тартибга келтиради ва уларнинг носоғломларини чиқариб юборади.

7. Рўза буйракни ювади. Шунингдек, жигар қонни айлантириш ва ички заҳарли моддаларга барҳам бериш учун кучли даражада тайёргарликни рўза сабабли қўлга киритади.

8. Рўзадаги фойдаларнинг энг буюги аксар гуноҳлардан халос бўлишингдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Рўза тутиналар, соғлом бўласизлар», дея рост сўзлаганлар.



د أحمد عيسى المعصراوي

لصوص شهر رمضان  
التلفاز  
والهاتف  
والأسواق  
والمجالس التي يذكر فيه النمية والسرور

رسد المطيري

## 51. Рамазон ойининг ўғрилари:

- Телевизор.
- Телефон.
- Бозорлар.
- Чакимчилик ва шунга ўхшаш нарсалар гапириладиган мажлисларда тунни бедор ўтказиш.



52. Рўза факат овқатдан тийилиш эмас. Ҳақиқий рўза – аъзоларни гуноҳлардан тийиш: тилни ортиқча сўзлардан тийиш, кўзни ҳаром нарсаларга қарашдан тийиш, қўлни бирони уришдан тийиш, оёқни ёмон жойларга қадам босишдан тийишдир.



53. Европадаги бир мусулмон Рамазон ҳақида тушунча берib, унга тарғиб қилишнинг ажойиб услубини ўйлаб топди. У кўйлагига: «Мен то сахардан қуёш ботгунича

овқатланмайман, «Нима учун бундай қиласан?» деб сўраб кўринглар-чи?» деб ёзиб олган эди.

الصيام الحقيقي .. ليس بطلاً .. ولا نوماً بطول  
النهار وسهر أيام التليفزيون بطول الليل .. وليس  
قياماً متكملاً في الصباح إلى العمل .. وليس برفزة  
وضيق صدر وتوتر مع الناس .. فالله في غنى عن  
مثل هذا الصيام، وهو يرده على صاحبه ولا يقبله،  
فلا ينال منه إلا الجوع والعطش .

د. مصطفى محمود

54. Ҳақиқий рўза танбаллик ёки кун бўйи ухлаш, ёки тун бўйи телевизор қаршисида бедор бўлиб чиқиш дегани эмас. Ёки эрталаб ишга дангаса ҳолда бориш дегани ҳам эмас. Ёки тажанглик, сиқилиш ва одамлар билан кескин муомалада бўлиш дегани ҳам эмас. Аллоҳ бу каби рўздан беҳожатдир. Аллоҳ ундей рўзани эгасига қайтиб беради ва ундан рўзани қабул этмайди. Рўзадорнинг оч қолгани ва чанқагани қолади, холос!

*Доктор Мустафо Маҳмуд*



55. Ушбу кечада қаерга борасан?!

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу ва у кишининг асҳоблари агар рўза тутишса, «Рўзамизни поклаймиз!» деб масжидда ўтиришар эди.

Булар қаерда-ю, ойнаи жаҳон қархисида ёки ғийбат ва номақбул гап-сўзларга тўла мажлисларда ўтириб, вақтини зое кетказганлар қаерда?!



### 56. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳ таоло: «Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Мен – Ўзим берурман», деди. Рўза сақловчиdir. Қачон бирортангиз рўзадор бўлса, фаҳшдан гапирмасин ва бакир-чақир қилмасин. Агар бирортаси у билан сўкишмоқчи ёки уришмоқчи бўлса, «Мен рўзадорман», десин. Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зот ила қасамки, рўзадорнинг оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан хушбўйроқdir. Рўзадор учун икки хурсандлик бор. У иккисини ҳам яшагай: ифтор қилганида хурсанд бўлади ва Роббига йўлиққанида рўзаси ила хурсанд бўлади».

*И мом Бухорий ривоят қилган.*

*Изоҳ:* Эътибор беринг! Аллоҳ ҳадиси қудсийда: «Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Мен – Ўзим берурман», демоқда. Баъзи шориҳларнинг айтишларича, «Рўздорга қанча савоб беришни Ўзим биламан», дейиши инсон унинг савоби қанча эканини тасаввур қила ололмагани учун экан, чунки у бу дунёга сифас экан.

«Рўздорнинг оғзининг ҳиди Аллоҳнинг наздида мушкнинг ҳидидан хушбўйроқдир», деган жумлага ҳам эътибор беринг. Аллоҳ рўздорни Ўз ҳимоясига олиб, рўздорни ҳиди учун малол кўрадиганлардан муҳофаза қилмоқда. Валлоҳу аълам!

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

فوائد الصيام  
التربيّة على التقوّى  
الصيام مدرسة المراقبة  
التربيّة على الإحساس بالآخرين  
الصيام تربية على تنظيم الأوقات  
الصيام تربية على حسن الخلق

#### 57. Рўзанинг фойдаларидан:

- Тақволи ҳаётга тайёрлайди.
- Аллоҳ кузатувчи эканига ўргатади.
- Бошқаларни (оч-яланғочларни) ҳис қилишни ўргатади.
- Вақтни тартибга келтиришни ўргатади.
- Ҳусни хулқ сабоғидан дарс беради.



58. Рамазон ойида намойиш қилинган ҳар қандай сериал ёки теледастур Рамазондан кейин ҳам қайтадан берилади. Лекин таровех, тунги бедорлик, Қадр кечаси, раҳмат, мағфират ва дўзахдан озод бўлиш фақат Рамазонда бўлади, холос!

Ҳаракат қилиб қолинг!




59. Қориннинг рўзаси – овқатдан тийилиш.  
Қалбнинг рўзаси – гуноҳлардан тийилиш.

Мўмин киши ҳаромдан тийилиб рўза тутади ва ниҳоят, жаннатга равона бўлади.



يوجد لغز في اللغة الإنجليزية يقول :  
ما الأعجب من تصدیر القحم إلى مدينة نيوكاسل ؟  
و تلك المدينة مشهورة جداً بتصدیر القحم ، فما الأغرب من  
هذا ؟

أقول أن الأغرب من هذا ، هو أن يأتي أعمى مثلّى ليتحدث  
إلى العرب أصحاب الرسالة عن رمضان !!!  
وأسأل لماذا كان رمضان بالشهر القرني لا الميلادي ؟  
أقول : لقد أعلمانا الله سبحانه وتعالى الفرصة لأن يجرب  
الجميع الصيام في كل موسم  
لو كان الصيام حسب التقويم الشمسي ، فالمسلم القاطن  
في الشمال سيصوم رمضان في قصل الشتاء بكل أريحية  
أما المسلم القاطن في الجنوب فسيصومه في الصيف بكل  
مشقة وعنا !!  
أما بالتقويم القرني ، فالمسلم يأخذ فرصة عادلة ليجرب  
الصيام في الشتاء تارة ، وبعد فترة سيصوّمه في الصيف !!  
إنه العدل في أبهى صورة  
أحمد ديدات رحمة الله وطيب ثراه ...



## 60. Инглиз тилида:

«Newcastle шаҳрига кўмир экспорт қилиш нақадар ҳайратланарли?» деган бир латифа бор. Чунки ушбу шаҳар кўмир экспорти билан машҳурдир.

Бундан ҳам ҳайратланарлиси нима эканини биласизларми? Мен ҳозир сизларга бундан ҳам ажойибини айтаман. Араб бўлмаган мен каби ажам бир кишининг рисолат эгалари бўлмиш арабларга Рамазон хусусида гапиришидир!!!

Мен ўзимга ўзим айтаман: нима учун Рамазон ойи милодий ой билан эмас, қамарий ой билан тутилади? Жавоб шуки, Аллоҳ таоло барча одамларга ҳамма мавсумда рўза тутишни тажриба қилиб кўриш фурсатини берди. Агар рўза қуёш

тақвимига мувофиқ бўлганида, шимолда яшовчи мусулмон ҳар йили Рамазон рўзасини қийналмасдан, қиши фаслида тутар эди. Аммо жанубда яшовчи мусулмон ҳар йили ёзда қийинчилик ва машаққатда тутар эди. Қамарий тақвимга кўра эса ҳар бир инсон гоҳида рўзани қишида тутади, гоҳида ёзда тутади. Бу энг гўзал суратдаги айни адолатдир.

*Аҳмад Дијдот раҳимаҳуллоҳ*



61. Олимлар рўзани жароҳатсиз амалиёт деб таъкидлашади. Рўза буйрак ва ўтдаги майда тошларни ҳайдаб, ҳалокатли шишларни муолажа қиласи. Ундан ташқари, жигарни муолажа қилиб, асл фаолиятига қайтаради. Тадқиқотчиларнинг айтишича, рўза жароҳат амалиёти билан эришила олмаган жумбоқ ва муҳим муолажаларда қўл келган.

Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 184-оятида: «Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир», деган.



62. Анас розияллоҳу анхұдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рүздор пайтларида то бир ютум сув ичиб бўлса ҳам оғизларини очмагунларича шом намозини ўқимас эдилар».

*Насоий ва Ибн Хузайма ривоят қилишиган.*

(Демак, рўзани очиш вақти киргач, аввал оғизни очиб, сўнгра шом намози ўқилади).



63. Кимдир футбол бўйича мусобақа яқинлашиб қолганига хурсанд, кимдир Рамазон яқинлашиб қолганига хурсанд.

Самога интилган киши билан одамларнинг оёғи орасига интилган одамнинг ўртасида катта фарқ бор-ку ахир!



64. Тадқиқот натижаларига кўра, рўза юрак ва артериосклероз касалликлари учун муолажа ҳамдир. Мунтазам тартибда рўза тутиб юрган кишининг юраги фаол, иши тартибли бўлиб, узоқ умр кўришига сабаб бўлади. Агар рўза давомида Қуръон эшитиш билан машғул бўлинса, рўза тутиш юқорида зикр қилганимиз артериосклероз касалликлари учун яхши муолажадир. Мана шу холда бардавом бўлинса, Аллоҳнинг изни билан кўплаб касалликларга шифо бўлади. Аллоҳ таоло Бақара сурасининг 183-оятида:

**«Эй иймон келтирғанлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақво қилсангиз», деган.**




65. Кунлар ўтган сари рўза ҳам гўё динга алоқаси йўқдек, оддий кунларга ўхшаб бормоқда. Тонггача алвон хил таомлар еб, куракда турмайдиган гапларни гаплашиб чиққанимиздан рўза худди ғийбат ва чақимчиликдан иборатдек бўлиб қолмоқда. Урф-одатларимиз, учрашувларимиз, тунни бедорликда ўтказишимиз, йиғинларимиз Рамазонга тўғри келиб қолмоқда. Гўёки бу ой еб-ичиш ойидек, ундан бошқа нарса эмасдек. Биз диннинг асл гавҳари ва ҳақиқатидан йироқлашганимиз сари, ибодатларимиз ҳам расмиятчиликка ўхшаб, асл мазмунидан йироқлашиб бормоқда.



66. »Рамазон ойи – унда одамларга ҳидоят ҳамда ҳидояту фурқондан иборат очиқ-оидин ҳужжатлар бўлиб, Қуръон нозил қилингандан» (*Бақара сураси, 185-оят*).

Рамазон ойи ва Қуръон нозил бўлишидан мақсад, сенинг Аллоҳ томон ҳидоят топишингдир.



67. Бошқалар ҳузурида ифторлик қиласынан киши айтадын нарасалар:


«Расулуллох соллаллоху алайхи вассаллам агар бирор қавм ҳузурида ифтор қиласалар, то қуйидаги дуони айтмагунча у ердан чиқиб кетмасдилар. Абдуллох ибн Бишринг хонадонида:

**«Аллохумма барик лаҳум фийما روزاқтаҳум вағfir лаҳум варҳамхум», деб қуйидаги дуони ҳам қўшиб қўйдилар:**

**«Афтора ъиндакум соимуна ва акала тоъамакум ал-аброро ва соллат ъалайкум ал-малаиках».** (Абу Довуд ривоят қилган)

(Дуонинг маъноси: «Аллоҳим, ризқ қилиб берган нарасангда уларга барака ато қил, уларни мағфират айлаб, раҳм қил.

Рўзадорлар сизларнинг ҳузурингизда ифтор қилишди. Яхшилар овқатларингиздан тановул қилишди. Ва фаришталар сизларга салавот айтишди».)



68. Рамазонда Аллоҳ хоҳлаган нарса билан фазовий ва ойнаи жаҳон каналлари хоҳлайдиган нарса орасида қандай фарқ бор? Жавоб қуидаги оятда:

**«Аллоҳ сизнинг тавбангизни қабул қилишни ирода қиладир. Шаҳватларга эргашадиганлар эса улкан оғишга мойил бўлишингизни ирода қиладир» (Нисо сураси, 27-оят).**



د أحمد عيسى المعصراوي

ما أعظم أجر النساء في رمضان  
لهن أجر الصيام؛ وأجر العمل في المنزل؛  
وأجر إفطار صائم  
فَاللَّهُمَّ إِرْحُمْ ضعْفَهُنَّ؛ وَأَرُوِيْ ضَمَائِهِنَّ


69. Рамазонда аёлларнинг ажри нақадар улкан бўлмаса?!

Улар учун рўза тутиш ажри, хонадон юмушларидаги ажр ва рўздорни ифтор қилдиришдаги ажр!

Аллоҳим! Заифаларга раҳм қил ва Ўзинг уларнинг чанқоқликларига барҳам бер!



70. Аллоҳим! Бизни ҳолимиз ислоҳ бўлган, ҳаётимиз баҳт-саодатга тўлган, орзу қилғанларимиз амалга ошган ҳолда Рамазондан чиқар. Яхшилик Сенинг қўлингдадир, Сен ҳар бир нарсага Қодир Зотсан!



71. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳуддан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бирор бандАллоҳнинг йўлида бир кун рўза тутса, Аллоҳ унинг юзини дўзахдан етмиш кузлик узоқ қиласди», дедилар».

*Имом Бухорий ривоят қилган.*

*Изоҳ:* «Етмиш кузлик» дегани етмиш йиллик масофачалик дегани. Бу ўзбек тилидаги «Етмиш баҳорни қарши олди», деган жумлагага ўхшайди.



72. Бир кечаси минг ойдан яхши бўлган кун келишини ёдингда тут!

Унга ҳозирдан тайёргарлигингни кўр!

Аллоҳим, бизларни Қадр кечасига соғ-омон етказ!



د. أحمد عيسى المعصراوي

حينما يُعلن أنّ غداً العيد:  
سيندم المؤمن على صلاة فاتته  
أو تلاوة تشاغل عنها  
أو فعل خير لم يشارك فيه  
أو وقت ضيئعه!  
فلنستدرك الآن قبل الندم.

73. Эртага ҳайит, деб эълон қилинганида мўмин киши ўтказиб юборган намозидан, Қуръон тиловатидан чалғитган нарсасидан ва иштирок эта олмаган хайрли ишидан ёки бехуда ўтказган вақтидан пушаймон бўлади.

Шундай экан, надомат қилишдан олдин ушбу фурсатни ганимат билайлик!



74. Рамазон: «Қурбинг етганича мени ғанимат бил! Мен бир неча кунман холос!» деб айтади.



75. Рамазон – ҳаёtingни буткул ўзгартиришга кодир эканингнинг исботидир. Ахир бир кеча ва кундузда ҳаёtingдаги кўплаб одатлардан халос бўлганингни кўрмаяпсанми?

Сен «Ўзгариш қийин», деб узр айтаверма!

التغريدة



د. أحمد عيسى المعصراوي

قال رسول الله ﷺ :  
 "رغم أنف أمرىء دخل عليه رمضان ثم انسليخ  
 قبل أن يُغفر له" ..

رواہ الترمذی

76. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Рамазон кирса-да, Рамазондан гуноҳлари кечирилмаган ҳолда чиққан кишининг бурни ерга ишқалсин», дедилар».

*Имом Термизий ривоят қилган.*



77. Гүё Аллохга миннат қилаётгандек, очлик ва чанқоқлигингдан нолиб, ҳасрат қилиш билан рўзангни бузиб қўйма! Сенинг рўзангга Аллоҳнинг эҳтиёжи йўқ. У беҳожат Зотдир. Бизлар эса У Зотга муҳтожмиз.



78. Гўзал дуолардан бири:

**«Аллоҳим! Сендан гўзал рўза ва гўзал хотимани сўрайман. Рамазонда зиён кўргувчилардан қилиб қўйма!»**



79. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Рамазонга етса ҳам гуноҳлари кечирилмаган одамнинг шўри қурсин!» дедилар.

Имом Бухорий ривояти.



80. Рамазонда ютуққа эришганлар шундай кишиларки, улар кундузи рўза, тунда сажда узра йиғлаган ва хушуъ қилган ҳолда бўладилар. Куёш чиқишидан олдин ҳам, қуёш ботганида ҳам тасбех, таҳлил, зикр ва истиғфор ила машғул бўладилар. Кўйингки, ҳар қандай яхшилик бўлса, уни амалга оширадилар. Лекин шу билан бирга, ўша амаллари қабул бўляптими ёки йўқми, амаллари холис Аллоҳ учунми ёки йўқми – мана шу ҳолатдан хавфу ражода бўладилар.

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

((أياماً معدودات ))  
انتبهوا ...  
باقي على انتهاء **رمضان** 17 يوماً ...  
سددوا .  
وقاربوا ..  
وشمرعوا ..  
واجتهدوا ...

#### 81. «Рамазон – саноқли кунлар, холос!»

Эътиборли бўлинг, Рамазон тугашига 16 (17...) кун қолди, холос. Тўғриликни лозим тулинг, (ҳеч бўлмаса шунга) яқин

бўлинг, енгни шимаринг, бор кучни ишга солиб, жидду жаҳд қилинг!

## تبیهات رمضانیة

ان بعض النساء الصائمات تكون مشغولة  
في المطبخ ، أو بتهجين مائدة الافتخار .  
فيؤذن المقرب ، وهي على شغفها ، وقد  
يتنهي الأذان ، ويمضي دقائق ، وهي لم  
تطرأ بعد ، وهذا خطأ . فإن السنة توجيل  
الافتخار ، ولو أن ناكل تمرة ، ونواصل  
شعاعها ، قال عليه الصلاة والسلام : " لا يزال  
الناس يخرب ما عطلوا الفطر " . و قال عليه  
الصلاه والسلام : " لا يزال الدين ظاهراً ما  
عجل الناس الفطر لأن البهود والنصارى  
يوفدون " .

### 82. Рамазондаги эслатмалардан:

Баъзи аёллар шом намозига азон айтиб бўлинса ҳам, ошхонада таом пишириш ёки ифторлик дастурхонини тайёрлаш билан машғул бўлиб, оғиз очишни кечикиришади. Бу хатодир. Чунки суннат битта хурмо еб бўлса ҳам оғиз очишни тезлатишга чақирган.

Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Модомики одамлар ифторликни тез қилишар экан, дин устун бўлур. Чунки яхудий ва насоролар уни кечга сурурлар», деганлар. (*Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган*).



### **عبارة اعجبتني :**

لو عشت حياتك كأنك في رمضان  
ستجد الآخرة عيد

رسالة التأمل .

**لماذا نفوسنا ارتاحت في رمضان؟؟  
لأننا انشغلنا بالغاية التي  
من أجلها خلقنا ..**



83. Агар ҳаётингнинг барчасини гўё Рамазондагидек яшаб ўтказсанг, охиратнинг ҳайит эканини топасан!

Нима учун Рамазонда нафсларимиз роҳатланади?

Чунки бу ойда нима учун яратилған бўлсак, ўша ғоя узра машғул бўламиз-да.

**بعض الناس يقولون:**

**بئس القوم لا يعرفون الله إلا في رمضان ،  
وأنا أقول : نعم القوم عرفوا الله في رمضان  
ثم زادت معرفتهم مع رمضان وبعده  
استعد من الأن إذا كنت ترید التغير من حلك**

ماجد زکی

84. Баъзи одамлар: «Фақат Рамазон ойидагина Аллоҳни танийдиган қавм мунча ҳам ёмон», дейишади. Мен эса: «Рамазон ойида Аллоҳни таниб, ундан кейин У Зотни янада күчлироқ таниган қавм мунча ҳам яхши», деб айтаман.

Агар ҳақиқатда ҳолатинг ўзгаришини хоҳласанг, ҳозирдан ҳаракатингни қилиб қол!

## تبیهات رمضانية

أن بعض الصائمين يترك صلاة التراويم ، أو يصلي بعضها ويذهب ، مع عظيم الأجر لمن قام رمضان . قال عليه الصلاة والسلام : \*من قام رمضان إيماناً واحتساباً غفر له ما تقدم من ذنبه \* رواه البخاري .

وقد صلاتها النبي عليه الصلاة والسلام وخلفاً وهي تقرب العبد لربه ومن اسباب مففرة الله لعبدة ومحبته له وتركها يعتبر من الحرمان .



85. Баъзи рўзадорлар таровех намозини ўқишимайди ёки ундан баъзисини ўқишиади, холос. Ваҳоланки, Рамазонда таровеҳда қоим бўлган кишининг савоби улкан ҳисобланади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким Рамазонда иймон билан, савоб умидида қоим бўлса, ўтган гуноҳлари мағфират қилинади**», деганлар. (*Ином Бухорий ривоят қилган*)

Ушбу таровех намозини Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва у зотнинг халифалари адо қилишган. У бандани Роббига яқин қилиб, бандага Аллоҳнинг мағфирати ва мұхаббатини келтириб чиқарадиган сабаблардандир. Таровеҳни ўқимасдан, уни тарқ қилиш (савобдан) маҳрумлик деб эътибор қилинади.

التغريدة



د.أحمد عيسى المعسراوى

للصوم زينتان  
 باطننة: التقوى (لعلكم تتقدون)  
 ظاهرة: السمعة والآدب  
 (من لم يدع قول الزور والعمل به والجهل  
 فليس لله حاجة أن يدع طعامه وشرابه)  
 رمضان


86. Рўзанинг икки зийнати бор:

1. Ботиний зийнат – тақво.

**«Шоядки тақводор бўлсангиз»** (Бақара сураси, 183-оят).

2. Зоҳирий зийнат – виқор ва одоб.


**«Ким ёлғон гапиришни ва унга амал қилишни қўймаса, Аллоҳ унинг таоми ва ичимлигини тарқ этишига муҳтож эмас».** (Бухорий ривоят қилган)



87. Эй қавмим, Рамазоннинг ярми ўтди. Ўтган рўзангизнинг камчилигин тўғриланг.

Охират учун озуқани афсус-надоматдан олдин тўлдиринг.

Илоҳингиз учун хор бўлинг. Мавло учун хорлик – бу шараф.



88. Ким Рамазоннинг ярмини чиройли суратда адо этган бўлса, ойнинг қолган қисмида ҳам мукаммаликни таъминласин. Ким ўтган ярмида камчиликка ва дангасаликка йўл қўйган бўлса, тавба ва тузатишни ўзига лозим тутсин.



89. Рамазон тавсияларидан:  
Ушбу Рамазон ибодат ва амал ойидир, уйқу ва дангасалик ойи эмас!



90. «Рўза ва Куръон қиёмат куни бандани шафоат қилади. Рўза: «Роббим! Бу банда кундузи таоми ва шаҳватини мен сабабли тўхтатиб турган, унга мени шафоатчи қил», дейди. Куръон: «Бу бандада тунда уйқуни тўхтатган, унга мени шафоатчи қил», деса, у бандада албатта шафоат қилинади».

*Имом Аҳмад ривоят қилган.*



د. أحمد عيسى المعصراوي

شمروا فاين ضيفكم عجول  
اقررووا مصاحبكم  
اجبروا نقصيركم  
أطيلوا سجودكم  
زيدوا في نوافلهم  
الحوا بدعاوكم  
تقدووا أرواحكم  
واجعلوا رمضان حياة لقلوبكم

91. Енгни шимаринг, чунки азиз меҳмонимиз – Рамазон шошиб турибди. Куръонингизни ўқинг, камчиликларингизни тўлдиринг, саждаларингизни узун қилинг, нафлларни кўпайтиринг, дуоларга берилинг, рухиятингизни бир назорат

қилиб олинг, Рамазонни қалбингиз ҳаёти қилиб олинг.

«أيها الفاول عن فضيلة هذا الشهري  
اعرف زمانك، يا كثير الحديث فيما  
يؤذى! احفظ لسانك، يا مسؤولاً عن  
أعماله! اعقل شانك، يا متلوّناً بالزلل!  
اغسل بالتوبة ما شانك، يا مكتوباً عليه  
كل قبيح! تصفح ديوانك».

[[المصري - لابن الموزي (2/73)]]



92. Эй ушбу ойнинг фазилатидан бебахра қолган ғофил!  
Ушбу фурсатни (ғанимат) бил.

- Эй озор берувчи сўзларни кўп гапиравчи, тилингни тий!
- Эй ишлардан масъул бўлган кимса, ақлингни йиф!
- Эй хатолар туфайли қалби кирланган кимса, булғангандан қалбингни тавба билан юв!
- Эй амал дафтарига фақат қабоҳатлар ёзилган кимса, амал дафтARINGни тозалашга шошил!



93. Ой ҳам тўлиқ бўлди. Мукаммалликдан кейин нуқсон бошланади. Рамазоннинг қолган қисмини ғанимат билинг.

Ким Рамазонни кутиб олишни қойилмақом қилмаган бўлса, видолашувни чиройли қилсин! Зеро, ўтган камчиликлар мағфират бўлади. Хотима эътиборга олинади.



94. «Қадр кечасини қандай топамиз?» деб сўраймиз. «Гуноҳларни тарк қилганимисиз?» дейишади. Биз сукут сақлаймиз. «Зиддиятни тарк қилганимисиз?» дейишади. Яна сукут сақлаймиз.

Шу ҳолимизга Қадр кечасини исташимиз ажабланарли.

Шундай ахлоқимиз билан яна «Аллоҳ биздан рози бўлармикан», дея умид ҳам қилиб қўямиз.



95. «Уч нарса пайғамбарлар ахлоқидандир:

- Ифторликни тезроқ қилиш.
- Саҳарликни кечиктириш.
- Намозда ўнг қўлни чап қўл устига қўйиши». (*Табароний ривоят қилган*).

**Изоҳ:** Ифторликни тез, саҳарликни кеч қилиш деганда уларни белгиланган вақтдан аввал ёки кейинга суриш эмас, балки Аллоҳ таолога ўзининг ожизлигини изҳор этиб, саҳарликнинг охирги вақтига қадар еб, вақти кирган заҳоти тўхташ ҳамда ифторнинг илк вақти кирган заҳоти оғиз очиш назарда тутилади. Бу икки қоида «Мен оғзимни эртароқ ёпаман», «Мен сал туриб очарман» деб, саҳарлик ва ифтор вақтини писанд қиласлиқ, ибодатни енгил санаш каби кибр аломатларининг олдини олишdir.

#### التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوى

كنت تقول : لن أدع رمضان يذهب مني  
و كنت تقول : سأهتم بالصلوات و سأحترم  
القرآن  
فهل حفقت ما تحببوا إليه روحك ؟!

رمضان بين يديك فساري

96. Рамазон киришидан олдин: «Рамазонни шундай ҳолда ташлаб қўймайман. Намозларга эътиборли бўламан, Қуръонни хатм қиласман», деб айтар эдинг. Руҳиятинг интилган нарсаларни ҳақиқатда амалга оширдингми?!

Рамазон ҳали олдинда, шошиб қол!



97. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга бу ой келди. Унда минг ойдан яхши бўлган Қадр кечаси бор. Ким у кечадан маҳрум бўлса, яхшиликларнинг барчасидан маҳрум бўлибди. Унинг яхшилигидан фақат маҳрумларгина бебаҳра қолади», дедилар».

*Ибн Можса ривоят қилган.*



98. Рамазондаги эслатмалардан:

Баъзи рўзадорлар Рамазонда шаръий узрсиз ҳам рўзаларини очиб юборишиди. Бу нарса ҳаромдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Меъроҷ куни бир қавмнинг оёқ пайларидан осиб қўйилганини кўриб: «Булар ким?» деб сўрадилар. «Улар оғиз очиш пайтидан олдин рўзаларини очиб юбрадиганлар», дейилди.

Ифтор вақти киришидан олдин шаръий узрсиз рўзасини очиб юборган кишининг ҳолати шу бўлса, рўзанинг биринчи куниданоқ шаръий узрсиз рўза тутмай, бемалол оғзи очиқ юрадиганларнинг аҳволи қандай бўларкин?!



99. Рамазон ойи иймонни янгилаш, қалбларни жонлантириш, тарқоқ фикрларни Аллоҳ томон йўналтириш, ғафлатдаги кишининг кўзини очиш, унугдиган кишининг хотирасини яхшилаш ва гуноҳкорларнинг тавба қилиши учун қулай бир фурсатдир. Бу ойда ҳамма Роҳман ва Роҳим сифатли Зотнинг эшиги олдида туриб, бундан олдин оталари Одам алайҳиссалом қилган қуйидаги дуо билан ёлворишиди:

**«Роббимиз, ўзимизга зулм қилдик. Агар бизни мағфират қилмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, албатта, зиён кўрувчилардан бўламиз» (Аъроф сураси, 23-оят).**



100. Кундузи рўза тутиб, тунда таровеҳда қоим бўлиб, садақалар улашиб, хатми Қуръон қилиб, одамларнинг ҳожатини чиқариб юрсанг-да, кейин бошқа бир киши келиб, барча ҳасанот ва яхшиликларингни олиб кетишидан эҳтиёт бўл!

Ғийбат қилишдан сақлан!!!

#### التغريدة



د. احمد عيسى المعاشراوي

قبل رمضان  
اقتح خزينة قلبك  
احذف ... رتب... سامح  
اغفر وتجاوز  
وتدكر :  
"إِلَّا مَنْ أَتَى اللَّهُ بِقُلْبٍ سَلِيمٍ"

101. Рамазон рўзасини тутишдан олдин қалбинг хазинасини оч.

Кераксиз нарсаларни ўчир, тартибга сол, кенгбағир бўл, кечир, ўтиб юбор.

Аллоҳнинг ҳузурига тоза қалб билан келганларгина фойда кўришини эсда тут!

### أَثْمَنُ ثَلَاثٍ سَاعَاتٍ فِي رَمَضَانِ

**أول ساعة من النهار \_ بعد صلاة الفجر**

قال النبي صلى الله عليه وسلم أنه قال: (من صلى الفجر في جماعة ثم قعد يذكر الله حتى تطلع الشمس ثم صلى ركعتين كانت له كاجر حجة وعمرة تامة تامة) رواه الترمذى وقال حديث حسن وفي الحديث (اللهم بارك لعمي في بيورها)

**(آخر ساعة من النهار \_ قبل الغروب)**

هذه الساعة الثمينة تقوت على المؤمن الصائم غالباً بالاشغال باغداد الإفطار والتبيّه، له هنا لا ينفي من حرص على تحصيل الأجر .. فهي لحظات ثمينة ودقائق غالبة هي من أفضل الأوقات للدعاء وسؤال الله تعالى .. فهي من أوقات الاستجابة

**(وقت الضر)**

الضر هو الوقت الذي يكون قبل الفجر قال تعالى (والمستفرون بالأسحار) فاحرص أخي الصائم على هذا الوقت الثمين بكثرة الدعاء والاستغفار حتى يؤذن الضر .. وخاصة أثناء في شهر رمضان فلتستغل هذه الدقائق الروحانية فيها بقوى صلتنا بالله تعالى



102. Рамазонда энг қадрли бўлган уч фурсат.

**Биринчиси:** Бомдод намозидан кейинги куннинг аввалги соати.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳақда: «**Ким бомдодни жамоат билан ўқиса, сўнгра қуёш чиққунча Аллоҳни зикр қилиб ўтиrsa, сўнг икки ракъат намоз ўқиса, унинг учун ҳаж ва умранинг ажридек бўлур. Тўлик, тўлик, тўлик**», деб айтганлар.

Имом Термизий ривояти.

**Изоҳ:** Ушбу ривоятда васф қилинаётган намоз шурук намози ҳам дейилади. Шурук эса қуёшнинг чиқишидир. Бу ҳадиси шарифда бомдод намози билан қуёш чиққунгача бўлган вақтни Аллоҳнинг зикри билан ўтказишга ва айни пайтда шурук намозини ўқишига тарғиб қилинмоқда. Аввал айтилганидек, шурук намози чошгоҳ намозининг энг аввалги вақтидаги намоздир. Шунингдек, ҳадисда бомдод намозини

жамоат билан ўқишига тарғиб борлиги ҳам очик-ойдин кўриниб турибди.

Ушбу ҳадисга амал қилиб, саҳар чоғи Аллоҳнинг ибодати, зикри билан машғул бўлиш фазилатли ишдир. Ўтган салафи солиҳлар бу ишга алоҳида эътибор берганлар. Ривоят қилишларича, бир гуруҳ ҳожиларнинг йўлини арслонлар тўсиб қолибди. Арслонлар қамали уч кун давом этибди. Арслонлардан қўрқиб бирор киши уч кунгача мижжа қоқмабди. Нихоят, учинчи куни саҳарда арслонлар кетишгач, ҳамма бомдодни ўқиб, ўзини уйқуга урибди. Ҳожиларнинг ичидаги буюк тобеинлардан Товусроҳимахуллоҳ ҳам бор экан. У киши ухлашни хаёлига ҳам келтирмабди. «Уч кун мижжа қоқмадингиз, бироз ухлаб олсангиз бўлар эди», дейишган экан, «Бу пайтда ухлаб бўлмайди» деб, зикрни давом эттирган экан. Бу гўзал одат ҳозирги кунда ҳам баъзи аҳли солиҳларнинг сийратида учраб туради. Бу пайтда ер юзида навбатчилик қиласиган фаришталар алмашаётган бўладилар. Бу вақтда ухлаш, ғофил бўлиш ва бошқа бефойда ишлар билан машғул бўлиш мўмин одамга тўғри келмайди. Саҳарда ибодат қиласиганларнинг ризқи улуғ, ухлаганларнинг ризқи тор бўлади.

Ҳозирги тарақкий этган илм-фан ҳам саҳар вақтининг фазилатли эканини тасдиқламоқда. Саҳар чоғида ультрабинафша нурлар тарқаладиган вақт бўлар экан. Ўша нурлар инсон учун жуда ҳам фойдали экан.

Хўш, ким ўша нурлардан энг кўп фойда олади? Албатта, бомдодни жамоат билан ўқиб, қуёш чиққунча Аллоҳнинг зикри билан машғул бўлиб, кейин икки ракъат намоз ўқиган киши-да!

Ха, бу ҳадисга доимий равища амал қилишга одатланишимиз лозим.

**Иккинчиси:** Куннинг охирги, қуёш ботишидан олдинги пайти. Рўзадор одам бу олтин фурсатни кўпинча ифтор таомини тайёрлаш билан машғул бўлиб ўтказиб юборади.

Бирок, рўзанинг ажр-савобини қўлга киритаман деган киши бу фурсатни ўтказиб юбормаслиги керак. Бу ниҳоятда қадрли фурсатдир. Бу фурсат дуолар ижобат қилинадиган пайт бўлгани учун ҳам дуо қилиш учун энг қулай имконият ҳамдир.

**Учинчиси:** Бомдоддан олдинги саҳар пайти. Аллоҳ таоло бу пайтдан унумли фойдаланувчи бандаларини «...ва саҳарда истиғфор айтувчилар», деб мақтаган.

Эй рўзадор биродарим! Ушбу олтин фурсатни ғанимат билиб, муаззин аzon айтгунича дую истиғфорга машғул бўлинг. Хусусан, Рамазон ойида бу фурсатларни қўлга киритиб, Аллоҳ таоло билан алоқаларимизни тикламоғимиз лозим.



### 103. Рамазондаги энг хайрли амаллар:


Рўза тутиш, тунда ибодат билан бедор бўлиш, садака улашиш, Қадр кечасини топиш, дуо, зикр ва истиғфор айтиб юриш, қуёш чиққунича масжидда ўтириш, эътикоф ўтириш, Рамазонда умра қилиш, Куръон тиловат қилиш, қариндошлиқ ришталарини тиклаш ва мустахкамлаш.

بالقرآن أهديت



فِي رَمَضَانٍ ضُعْ هَذِهِ الْكَلْمَةُ  
دَائِمًاً أَمَامَ عَيْنَكَ  
(أَيَّامًاً مَعْدُودَاتٍ)  
اجْتَهِدْ لَا تَنْكَاسْلْ. أَيَّامٌ سَتَمْرُ كَالْبَرْقُ

104. Рамазонда «саноқли кунлар» деган жумлага эътиборли бўлинг, у доим кўз ўнгингизда турсин. Жидду-жаҳд қилинг, дангасалик қилманг – бу олтин фурсат чақмоқ каби тез ўтиб кетади.



105. Аллоҳим! Рамазон ойининг аввалида ютуқقا эришиб, дўзахдан озод бўладиганлар қаторида қилгин, барчамизни Қадр кечасига соғ-омон етказиб, унда ҳам насибадор қилгин. Омийн!

## التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قد تكون قليل العبادة في رمضان ﴿١﴾  
لكن إعلم أن تعظيمك لشهر رمضان ﴿٢﴾  
باجتناب المحرمات من أعظم القربات: وَمَن  
يَعْظِمْ شَعَائِرَ اللَّهِ فَإِنَّهَا مِنْ تَقْوَىِ الْقُلُوبِ

106. Рамазонда кам ибодат қиласиз. Бироқ, билингки, Рамазон ойида ҳаромлардан четланиб, ушбу ойни улуғлаш Аллоҳга қурбат ҳосил қилувчи энг улуғ ибодатлардандир!

**«Ким Аллоҳнинг шиорларини улуғласа, албатта, бу қалбларнинг тақвосидандир» (Ҳажс сураси, 32-оят).**

**Изоҳ:** Оятдаги «шиорлар» сўзи «шаъийра» сўзининг кўплик шаклида келган бўлиб, нишон, белги, аломат маъноларини билдиради. Бу сўз Аллоҳ таолога нисбат берилиб, «Аллоҳнинг шиорлари» дейилганда эса Аллоҳнинг дини, Исломнинг кўзга кўринган, шон-шавкати аломати бўлган ибодатлар кўзда тутилади.



107. «Рўза тутсанг, қулоғинг, кўзинг ва тилинг ҳам рўза тутсин!»

*Жаъфар Содикроҳимаҳуллоҳ*

للذكر :

إن استهلاك كمية كبيرة من المياه أثناء السحور لا  
يعتني تخزيتك المياه أثناء النهار . فهذه الميزة في الناقة  
فقط بارك الله فيك



108. Эслатма:

Сахарлик пайтида керагидан ортиқ сув ичиш кундузги чанқоқликдан қутқариб қолмайди. Бундай хусусият фақат тужда бўлади, барака топкур!



109. Бандаларнинг қалбларни фисқу фасоддан поклаш учун зироатгоҳи бўлмиш Рамазон ташриф буюрди. Шундай экан, охират озуқаси бўлмиш Рамазоннинг ҳақ-ҳуқуқларини сўз ва амалда кўрсатиб қўяйлик.

Ким дон экса-ю, аммо уни суғормаса, йигим-терим пайтида оҳ тортиб, надомат чеккай!



110. Рўзадор одам ортиқча бир иш қилмайди, факат Робби учун егулик, ичимлик ва шаҳватни тарк қиласди. Рўзадор одам Аллоҳнинг муҳаббати ва розилигини афзал кўриб, нафси истаган лаззатларни тарк қиласди. Банда билан Робб орасидаги сир мана шудир.

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

أَحِيَا سَنَةَ التَّبْشِيرِ وَالْتَّهَنَّةِ بِدُخُولِ رَمَضَانِ ﴿١﴾  
وَكَيْفَ لَا يُبَشِّرُ الْمُؤْمِنُ بِفَتْحِ أَبْوَابِ الْجَنَانِ؟ وَكَيْفَ لَا  
يُبَشِّرُ الْمُذْنَبُ بِغُلَقِ أَبْوَابِ النَّيَارَنِ وَغُلَّ الشَّيَاطِينَ

111. Рамазон ойи киргани билан табриклаш ва бу ҳақда хушхабар бериш суннатини ихё қилинглар. Нима учун мўмин инсон жаннат эшиклари очилишини овоза қилмасин? Нима учун гуноҳкор банда дўзах эшиклари ёпилишини, шайтонлар занжирбанд қилинишини овоза қилмасин?



112. Бу ойда Роббимизга тоат-ибодат қилиб олишга ошиқайлик. Бунда солиҳ салафларга эргашайлик. Шояд Аллоҳ гуноҳларимизни кечириб, қадримизни ошириб, барчамизни ютуққа эришган баҳтли зотлар девонига қайд қилиб қўйса!

رمضان و الناس



113. Аллоҳим! Сен учун рўза тутдим ва берган ризқинг билан ифтор қилдим!



114. Ким Рамазон ойига етиб келса, аммо у сабабли гуноҳлари мағфират қилинмаса, ҳасрат-надоматда қолибди.

Очиқ-сочик юрганлар, кашандалар, кўзини ҳаромга қаратганлар, сериалга мубтало бўлганлар, чақимчилар, ғийбатчилар, намоз ўқимайдиганлар, Қуръон ўқимайдиганлар, қариндошлиқ ришталарини узадиганлар ва ота-онасига оқ бўлганлар Рамазондан бебахра қоладиганлардир.

Дарҳақиқат, ким Рамазонга етиб келса, лекин бу ой сабабли гунохлари мағфират қилинмаса, олтин фурсатни зое қилгани учун ҳасрат-надоматда қолибди. Ваҳоланки бу ойда ҳасрат-надоматда эмас, ютуқда қолиши керак эди, гунохлари мағфират қилиниб, дўзахдан озод бўлиши керак эди.

Зеро, Рамазон тавба ва истиғфор мавсумидир.



115. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Саҳарликнинг барчаси баракадир. Шундай экан, уни қолдирманглар. Бир қултум сув ичиб бўлса ҳам саҳарликни тарқ қилманг. Чунки Аллоҳ ва Унинг фаришталари саҳарлик қилувчиларга салавот айтиб туради».

*Имом Аҳмад ривояти.*

#### التغريدة



د.أحمد عيسى المصراوي

استعد لرمضان بكثره الاستغفار  
والإلحاح بالدعاء أن تبلغ الشهير  
ويتبادر لك العمل الصالح  
ويكتب لك القبول  
وتذكر أن  
الدعاء هو العبادة فتمسّك به

116. Рамазонга кўп истиғфор айтиш, бу ойга етиб, солиҳ амаллар қилиш ва уларнинг қабул қилинишини ёлбориб сўраш орқали тайёргарлик қилинг.

Унутманг, дуо – ибодатдир. Бу сўзни маҳкам ушланг!



117. Рамазондан кейин солиҳ амалларни тўхтатишга йўл йўк!

Рамазондан кейин ҳам, оз бўлса ҳам рўза тутиш, кечадари бедор бўлиш ва садақа улашишни давом эттириш керак.



118. Тақво қуруқ даъво эмас, воқеликдан ажраб олиб қилинадиган орзу эмас. У шундай бир ҳақиқатки, у қалдан ўрин олгач, инсоннинг бутун аъзои баданида ҳам акс этиши керак. Тақводорлар имоми Мұхаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам (кўксларига ишора қилиб) «Тақво мана бу ерда»,

деганлар. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай деган: «**Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатингизни келтиринг**, деб айт» (*Бақара сураси, 111-оят*).



119. Соиб ибн Язиддан ривоят қилинади:

«Саҳобалар Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхүнинг даврларида Рамазонда йигирма ракъат таровех ўқишар ва унда юзлаб оятларни хатм қилишар эди. Усмон ибн Аффон даврларида қиёмда узок туришганидан асоларга суюниб олишар эди».

*Имом Байҳақий ривояти.*

**المخيف في جملة**  
**"الشياطين تصعد في رمضان"**  
**إن كل سوء تفعله هذا الشهر**  
**يعبر عن حقيقة نفسك**

120. «Рамазонда шайтонлар занжирбанд қилинади» деган сўз нақадар қўрқинчли!

Демак, Рамазон ойида ёмон иш қилсак, бу шайтоннинг эмас, ўз нафсимизнинг шарридан экан-да?!

التغريدة



د. أحمد عيسى المعصراوي

القرآن

٣- وجاء القرآن الى أمة محمد

أصبحت أمة محمد خير أمه ..

٤- نزل القرآن بشهر رمضان ﴿

فأصبح شهر رمضان خير الشهور ..

121. Қуръони Карим Мұхаммад умматига нозил бўлгач, бу уммат энг яхши умматга айланди. Қуръони Карим Рамазон ойида нозил бўлгач, бу ой энг яхши ойга айланди.



122. Рамазондаги энг яхши амал(лардан бири таровехда) қоим туришдир.



123. Ҳар бир ибодатнинг моддий ва маънавий кўриниши бор.

Рўзада тана учун роҳат, нафс учун шаффоғлик бор. Рўза ажойиб тиббий ва нафсий даводир. Лекин баъзилар бу дорини қандай истеъмол қилишни билишмайди.

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال ابن عبد الحكم:  
 "كان مالك إذا دخل رمضان يفرّ من قراءة  
 الحديث ومجالسة أهل العلم، وأقبل على تلاوة  
 القرآن من المصحف"  
 لطائف المعارف ١٧١

### 124. Ибн Абдулҳакам айтдилар:

Рамазон ойи кирса, имом Молик ҳадис илми ва ахли илмлар билан бўладиган дарсларни тўхтатиб, Қуръони Карим тиловатига машғул бўлардилар.

أقوال  
مأثورة

إِنَّ اللَّهَ جَعَلَ الصُّومَ  
مَنْهَا لِعْبَادَهُ لِيُسْتَبِقُوا إِلَى طَاعَتِهِ.  
الحسد البصري دفع الله عنه

AIRCAzhar

مجمع\_البحوث\_الإسلامية

125. Аллоҳ таоло рўзани бандалар учун ибодат бўйича мусобақа майдони қилиб қўйган.

*Ҳасан Басрий роҳимаҳуллоҳ*



126. Катталар рўзадор бўлиб, рўза тутганини рўкач қилиб, асабийлашса, жаҳл қилса, буни кўрган ёш боланинг онгида рўза безовталик манбаи экан деган фикр пайдо бўлади. Оқибатда уларнинг зехнида рўзага нисбатан нафрат, ёқтираслик шаклланади.

### التغريدة



د. أحمد عيسى المعصراوي

سر المعصراوي

بفضل الله اختم القرآن في رمضان ﴿٦﴾ بالقراءات  
4 ختمات والله الحمد

127. Аллоҳнинг фазлу марҳамати билан Рамазон ойида Куръонни ҳар хил қироатларда ўқиб, тўрт марта хатм қиласман.

Аллоҳга ҳамдлар бўлсин!



128. Аллоҳим! Рамазондан аҳволимни ислоҳ қилиб, ҳаётимни баҳтиёр қилиб чиқаргин, бу ойда барча орзуларимни рӯёбга чиқаргин. Яхшилик Сенинг измингдадир. Албатта, Сен барча нарсага Қодирсан!



129. Қуръони Карим буюк дастурдир. У мусулмонларни тавҳид калимасига, бир сўзга жамлайди, гўзал хулққа, дунё ва охиратдаги яхшиликларни қилишга жамлайди.

**«Рамазон ойида одамларга ҳидоят ҳамда ҳидояту фурқондан иборат очиқ баёнотлар нозил бўлган» (Бақара сураси, 185-оят).**

Қуръони Карим бутун инсоният учун ҳидоят маёғидир. Ким Қуръон ҳидояти билан ҳидоятланса, ҳақ билан ботил,

адолат билан зулм ҳамда азизлик билан хорлик орасини очик-ойдин ажрата олади.

*Доктор Али Қорадогай*



130. Рамазон ойида намоз ўқимаётган кишини кўрсанг, уни мунофик деб айтишга шошилма, балки унинг намозда мустаҳкам бўлишини дуо қилиб сўра. Билмайсанки, эҳтимол, Аллоҳ уни ҳидоятга бошлаб, ўзингни адаштириб қўяр!

#### التغريدة



تغريدات د/ المعصراوي

ما من يوم صيام في رمضان ،  
إلا وقد سطرت قائمة تحمل أسماء عتقاء من النار  
يارب اجعلني ووالدي وأحبتني وكل من قال: أمين ..  
من عتقائك من النار

131. Рамазон рўзасини тутаётганда бирор кун йўқки, унда дўзахдан озод бўлганлар рўйхати қайд қилиниб турмаса!

Роббим! Ота-онамни, дўстларимни ва омийн деб турғанларни дўзахдан озод бўлганлар қаторида қилгин!



132. Рўза кишида ўзига ишонч ҳиссини пайдо қиласди. Рўза тутган киши Аллоҳнинг ёрдами билан ҳавойи нафс тизгинини забт қилиш имконига эга бўлади. Рўза нафақат ҳаром таомни, балки ҳалол таомларни ҳам ман қиласди. Рўза тонг сахардаги аzonнинг «Аллоҳу акбар» калимаси билан бошланиб, қуёш ботган пайтда яна «Аллоҳу акбар» калимаси билан тугайди. Бу эса ҳар бир муслим ва муслиманинг қалбида ҳануз инсон фитрати сақланганини, покиза нафс Аллоҳнинг буйруғи билан нафақат ҳаромдан, балки ҳалолдан ҳам тийилишга қодир эканини кўрсатади.



133. Жаброил алайҳиссалом Қуръонни олиб тушгани учун фаришталарнинг афзали бўлди.

– Қуръон Муҳаммад алайҳиссаломга нозил бўлгани учун у зот халойиқнинг саййиди бўлдилар.

– Қуръон Муҳаммад умматига нозил бўлгани учун Муҳаммад уммати энг яхши уммат бўлди.

– Қуръон Рамазон ойида нозил бўлгани учун Рамазон ойи энг яхши ой бўлди.

– Қуръон Қадр кечаси нозил бўлгани учун Қадр кечаси энг яхши кеча бўлди.

Энди шу Қуръон қалбимизга нозил бўлса нималар бўлишини бир ўйлаб кўринг...

*Доктор Аҳмад Ийсо **Маъсровий***

صالح العصيمي



يستحب للصائم أن يتسرّع على تمر وأن يفطر على تمر لأن التمر ذو حلاوة فيذوق الصائم بين هاتين الحلاوتين حلاوة الطاعة.

134. Сахарликда ҳам, ифторликда ҳам хурмо тановул қилиш маҳбуб амаллардандир, чунки хурмонинг мазали таъми бор бўлиб, рўзадор шу икки лаззат орасида ибодат ҳаловатини ҳам тотади.



135. Аллоҳим! Рамазонни гуноҳларимизни кечирилишига, тойилишларимизни ўчирилишига ва нафсларимизнинг ўзгаришига сабабчи қилгин!

التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوى

السباق قد اشتد  
والجنة تزييت لمن جد  
فليكن شعارك في هذه الأيام.  
لن يسبقني إلى الله أحد  
لن يسبقني إلى الله أحد  
لن يسبقني إلى الله أحد

رمضان

136. Мусобақа ўта қызғин нұқтага етиб келди.

Жидду-жаҳд қилғанлар учун жаннат зийнатлаб қўйилди.

Бу кунларда шиоримиз қўйидагича бўлсин:

Ҳеч ким Аллоҳ томон мендан ўзиб кета олмайди!

Ҳеч ким Аллоҳ томон мендан ўзиб кета олмайди!

Ҳеч ким Аллоҳ томон мендан ўзиб кета олмайди!

"اللهم إني أسألك حُسن الصيام  
و حُسن الختام، ولا تجعلنا من  
الخاسرين في رمضان ، اللهم  
إجعلنا من تدركهم الرحمة ثم  
المغفرة ثم العتق من النار

137. Аллоҳим! Сендан гўзал рўза ва гўзал хотима сўрайман. Бизларни Рамазон ойида ютқизиб, зиён кўрувчилардан қилиб қўйма!

Аллоҳим! Рамазонда раҳмат, мағфиратга эришганлардан, дўзахдан озод бўлганлардан қилгин!




138. Аллоҳ уч хислатни яхшилик деб васф қилди:  
**«Агар билсангиз, рўза тутмоғингиз сиз учун яхшидир»**  
*(Бақара сураси, 184-оят)*

**«Садақа қилмоғингиз сиз учун яхшидир»** (*Бақара сураси, 280-оят*)

**«Сабр қилмоғингиз сиз учун яхшидир»** (*Нисо сураси, 25-оят*)

Демак, ушбу уч амални – рўза, садақа ва сабрни жамлаш улкан амаллардан экан.



139. Рўзанинг яна бир фазилати унинг дўзахдан тўсувчи қўрғон эканидир. Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам бу ҳақда шундай деганлар: «**Банда Аллоҳ йўлида бир кун рўза тутса,**

**Аллоҳ унинг юзини дўзахдан етмиш куз узоқлаштиради», дедилар».**

*И мом Бухорий ривояти.*

Изоҳ: «Етмиш куз» – етмиш йиллик масофа дегани. Ушбу арабча ибора биздаги «Етмиш баҳорни қарши олди» деган иборага ўхшайди.

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوى

البعض من الناس يرى أن شهر رمضان  
عادة سنوية  
كل عام يأتي بمائدة جديدة من الأطعمة  
ولكن الجديد هو فتح صفحة جديدة مع الله  
رمضان يعلمنا #

140. Баъзилар Рамазон ойига бир одатдек қараб, ҳар йили сахарлик ва ифтор дастурхони учун янги таомлар тайёрлашади. Аслида йилнинг энг яхши янгилиги Аллоҳ билан муомалада янги сахифа очишидир.

#### عبدالعزيز الطريفي

يستحب أن يكون السحور من التمر أو معه تمر  
وهذا سنة يغفل عنها الكثير ويظنون أن التمر سنة  
لإفطار فقط، ففي الحديث قال ﷺ (نعم سحور  
المؤمن بالتمر)

141. Сахарликда ҳам бир-иккита хурмо ейиш суннатдир. Кўпчилик бундан гафлатда қолиб, хурмо ейиш фақат ифторликда суннат деб ўйлашади.

Ҳадисда «Мўминнинг сахарлиги хурмо бўлиши нақадар гўзал!» дейилган.

*Абу Довуд ривояти.*

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي


الصيام مدرسة يتعلم فيها الصائم أخلاق كثيرة  
ومنها ضبط النفس و عدم الانفعال والتسامح مع  
الآخرين

رمضان

142. Рўза ўзига хос мактаб-мадраса бўлиб, рўздор унда кўплаб хулқларни ўрганади. Чидамлилик, босиқлик ва бошқаларга бағрикенг бўлиш ана шу хулқларданdir.



143. Нифоқ, хиёнат, кароҳият, нафрат, ёлғон ва ҳийлалардан тийилиб, рўза тутинглар. Шунда Аллоҳнинг изни ила Рамазон мароқли ўтади.



144. Оқ қон ҳужайралари инсон иммунитет тизимиning асосий элементидир. Илмий тадқиқотларда аниқланишича, бир кун рўза тутилса, оқ қон ҳужайраси пайдо бўлиб, инсонни турли касалликлардан ўн кун сақлашга кифоя қилас экан. Қамарий йил эса 355 ёки 356 кунга тўғри келади. Организм учун бир йилга етадиган оқ қон ҳужайраларини пайдо қилиш учун 36 кун рўза тутишимиз керак экан. Демак, шаввол ойида яна олти кун рўза тутсак, иммунитет тизимини тўлиқ тиклаган бўлар эканмиз!

Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «**Ким Рамазон рўзасини тутиб, кетидан шаввозда олти кун рўза тутса, йил бўйи рўза тутгандек бўлади**», деганлар».

*И мом Муслим ривояти.*

**Шарҳ:** Рамазон ойидан кейин келадиган шаввол ойида олти кун нафл рўза тутишга тарғиб ўзига яраша ҳикматларга эга. Аввало, динимизда доимо нафл рўза тутиб юришга тарғиб бор. Қолаверса, Рамазонда бир ой рўза тутиб юриб, шаввозда бирдан ўзини овқатга уриш ҳам яхши эмас.

Табиблар ҳам узок муддат очлиқдан кейин овқат истеъмолини аста-секин кўпайтириб боришни тавсия қиласидилар. Зоро, рўза тугаши билан шайтон ҳам ишга киришиб, ҳайит куни кўп овқат ейишга чорлайди. Натижада кўпчилик инсонларнинг меъдаси бузилиб, ошқозонида муаммолар юзага келади. Халқимиз «Нафси ёмон ҳайитда ўлар», деб бежиз айтмаган. Мўмин банда ҳайитнинг эртасидан яна рўза тутишни бошласа, шайтон диққинафас бўлиб, «Бу одамни йўлдан уриб бўлмас экан, бир ой рўза тутиб чарчамабдими, бундан буёғига ҳам чарчамайди» деб, уни адаштиришдан ноумид бўлади.

Аллоҳ улуғдир!

Нақадар буюк Зотсан, Роббим!



#### 145. Ифтор пайти учун бешта тиббий тавсия

1. Бир стакан сув ичиб, ифторлик овқатини емай, бир неча дақиқа кутиб туриш.

2. Асосий овқатни емасдан олдин салатлардан тановул қилиш. Ўзингизни бироз тўйгандек ҳис қилсангиз, ўн дақиқа кутинг-да, сўнгра овқат ейишни давом эттиринг.

3. Ифторлик таомини шошмасдан, оҳиста ейиш. Шунда ҳазм жараёни мукаммал бўлиб, қорин шишишининг олди олинади.

4. Ифторликни еб бўлган заҳоти ширинлик емаслик. Чунки бу ҳам ҳазмни қийинлаштиради. Ширинликни асосий таомдан бир неча соат кейин еган яхши.

Ифторлик билан сахарлик орасида 1,5 ёки 2 литр сув ичиш тавсия қилинади. Шунда танангиз кун давомида йўқотган суюқликнинг ўрнини тўлдириб олади.

#### التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوي

لَوْ عَشْتُ حَيَاةً كَأَنِّي فِي #رمضان

سَتَجِدُ الْآخِرَةَ عِيدٌ

#تَسْتَحْقِقُ التَّائِلُ

لَمَذَا نَفَوْسُنَا ارْتَاحَتْ فِي #رمضان

لَأَنَّنَا اشْغَلْنَا بِالْغَايَةِ الَّتِي مِنْ أَجْلِهَا خَلَقْنَا

146. Бутун умр Рамазонда яшасак, охиратимиз ҳайит байрамига айланади.

Бир ўйлаб кўрайлик, нима учун Рамазон ойида нафсимизроҳатда бўлади? Чунки биз куну тун яратилишимизнинг оиси бўлган ибодат билан машғул бўламиз.



## 147. Рамазон ойидаги хайрли ишлар

1. Қуръонни күп үқиши, имкон бўлса, уни бир неча марта хатм қилиш.

2. Рўзадорларга ифтор қилиб бериш, таровехларда сув улашиш.

3. Фарзандларни, ука ва сингилларни хатми Қуръон қилишга қизиқтириб, ҳайитда уларга мукофот бериш.

4. Исломий ва маърифий китоблар ҳадя қилиш.

5. Садақа улашиш, закотни Рамазонда беришга тарғиб қилиш.

6. Кўни-кўшни ва дўстлар орасидаги муҳтожларга ёрдам кўлини чўзиш.

7. Мусҳаф сотиб олиб, масжидларга тарқатиш, яқинларга улашиш.

8. Уй бекалари тайёрлаган сахарлик ва ифторликлари учун савоб умид қилишлари.

9. Рамазон ойида умра қилиш. Рамазондаги умранинг савоби ниҳоятда улкандир.

10. Дўстлар, қариндошлар ва қўшниларга ифторлик қилиб бериш.

11. Зикр ва истиғфорни кўп айтиш.

12. Етимларни, муҳтоҷ оилаларни кафилликка олиш.
13. Болажонлар учун Рамазон кечалари, зикр мусобақалари ўтказиб, мукофотлар бериш.



148. Йилнинг ўн икки ойини Яъқуб алайхиссаломга ўхшатсак, Яъқуб алайхиссаломнинг севимли фарзанди Юсуф алайхиссалом бўлгани каби, Аллоҳ таолонинг севимли ойи Рамазондир.

#### التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوى

أيها الصائمون الهجوا بالذكر والدعاء حتى وقت  
الإفطار، متأنلين حديث النبي ﷺ:-  
”ثلاث دعوات مستجابات: دعوة الصائم  
ودعوة المظلوم، ودعوة المسافر”

149. Эй рўзадорлар! Қуидаги ҳадисга биноан ифтор вақтида дуо ва зикр айтишга ошиқинглар:

**«Уч дуо мақбулдир: рўзадорнинг, мазлумнинг ва мусофири нинг дуоси».**  
*Табароний ривояти.*

اللهم إني أسألك همة عالية في رمضان..  
 وأسالك جسداً قادرًا على الصيام ..  
 وأسالك عافية للقيام..  
 وأسالك لساناً ذاكراً يا حنان يا منان..  
 وأسالك توفيقاً في الأعمال يارب الأنام ..  
 وأسالك عتقاً لي ولأهل بيتي في رمضان ..  
 وأسالك ملئه لاخوتي وأحبابي في الإسلام ..  
 وأسالك أن يجعل أعمالنا فيه خالصة لوجهك  
 الذي لا يضاهى ..  
 وأسالك فيه قبولًا لصيامنا وصلاتنا وزكاتنا  
 وقيامنا وطاعاتنا برحمةك يا أرحم الراحمين

### 150. Аллоҳим! Рамазонда олий ҳиммат бер:

- рўза тутишга қодир жисм бер!
- таровехда қоим бўлишга қодир бадан бер!
- зикрли тил бер, Аллоҳим!
- хайрли амалларда муваффақият бер, Роббим!
- Рамазон ойида ўзимни ва оила аъзоларимни дўзахдан озод қил!
- мусулмон биродарларимга ҳам шуларни сўрайман!
- амалларим холис Ўзинг учун бўлишини сўрайман!
- рўзаларимиз, намозларимиз, закотларимиз ва тунги ибодатларимизни қабул қилгин!

#### التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوى

ما تشعر به من جوع  
 في آخر ساعات الصيام  
 يشعر به مئات الملايين  
 في الأرض  
 كل يوم وكل ساعة  
 اللهم اطعم كل جائع  
 وارحم كل ضعيف

151. Биз рўзанинг охирги лаҳзаларида ҳис қилган очликни ер юзидаги миллионлаб бечоралар ҳар куни, ҳар соатда ҳис қилиб яшашади.

Аллоҳим! Барча очларга таом бергин, барча заифларга йўзинг раҳм қилгин!



شیخ یبکی بعد اتصال صومالی یسأله  
هل صیامنا مقبول بدون سحور و بدون إفطار  
فنهن لا نمتلك ما نتسحر به وما نفطر عليه

كتابات الفتاوى - ج ٢ - ط ١ - ٣٧٦

152. Жонли эфир пайтида бир олимга Сомалидан қўнғироқ бўлди. Бир киши ҳорғин овоз билан шундай савол берди: «Сахарликда ҳам, ифторликда ҳам егани ҳеч вақо олмасак, шу кунги рўзамиз қабул бўладими? Сахарликка ҳам, ифторлик қилишга ҳам егулигимиз йўқ»... Олим ўзини тутиб тура олмай, хўнграб йиғлаб юборди.



153. Ибн Абу Дунё «Рамазон фазилати» номли китобида шундай ёзади: «Зухрийдан ривоят қилинади: «Рамазондаги битта тасбех бошқа ойдаги мингта тасбехдан афзалдир».

#### التغريدة



د. أحمد عيسى المعصراوي

أيها الصائم أبشرك أن لك قبل إفطارك  
دعوه لا ترد  
فاجتهد في الدعاء  
فإن أكرم الأكرمين لا يخيب سائلا.



#رمضان

#دعواتكم

154. Эй рўзадор! Билгинки, ифтор қилишингдан олдин рад этилмайдиган мақбул дуо бор. Бу фурсатни ғанимат билиб, дуо қилишга астойдил урингин, чунки ҳурматлиларнинг хурматлиси бўлган Аллоҳ сўровчини ноумид қайтармайди.



155. Рамазон мактаби унга кирган ёки унда вактини ўтказган ҳар қандай одамга шаҳодат беравермайди. Рамазон имтиҳонидан муваффакиятли ўтиш учун бир ой давомида керакли машқларни бажариш, фойдаларни қўлга киритиш керак. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзиларни рўза тутган бўлса ҳам, Рамазон мактабини яхши баҳолар билан битира олмасликдан огоҳлантириб, «**Кўп рўзадорлар борки, тутган рўзасидан оладиган насибаси фақат очлик ва чанқоқлик бўлади. Кўпгина тунда бедорлар борки, уларнинг насибаси бедорлик ва уйқусизлик, холос**», деганлар.

*Иbn Можса ва Насаий ривояти*



156. Имом Вакеъ ибн Жарроҳ айтдилар:

«Рўзадорнинг Рамазон ойида берадиган фитр садақаси намоздаги сахв (хато) саждасга ўхшайди. Сахв саждаси намознинг нуқсонларини тўлдиргани каби, фитр садақаси ҳам рўзанинг камчиликларини тўлдиради».

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

وها هواليوم السابع عشر انقضى  
 #رمضان 🌙 يجري بسرعة البرق  
 يأتي على شوق وينقضي على عجل...  
 سبحان من سماه "أيام معدودات".

157. Мана, Рамазоннинг ўн еттинчи куни ҳам тугади. Рамазон яшиндек тез ўтиб кетмоқда, шавқ билан келиб, тезлик билан ўтмоқда. «Рамазон саноқли кунлар холос», деган Зотни поклаб ёд этамиз.



158. Рамазон ҳилоли ҳам тўлин ой бўлиб қолди. Ҳар бир нарса чўққисига етгач, камая бошлайди. Энди унинг қолган кунларини чиройли ўтказсак, ўтиб кетган кунлардаги камчиликлар кечирилади. Рамазон ойини ёмон кутиб олган бўлсак ҳам, у билан гўзал ҳолда видолашайлик!



159. Ифтор ёки сахарлик сўнгида онангиз, синглингиз ёки жуфти ҳалолингизга бир ширин сўз айтинг. Улар сиз учун хориб-чарчаб тер тўкканлари учун бу марҳаматга лойиқдир.



160. Рамазон ойининг ярми ўтди. Энди унинг олтинга тенг ярми қолди.



161. Қадр кечасидаги яхши амаллар:

- Қуръон тиловати
- Таровеҳда қоим бўлиш
- Истиғфор айтиш
- Дуо қилиш
- Садақа бериш

**«Қадр кечаси минг ойдин яхшироқдир»** (*Қадр сураси, 3-оят*).



**أمنيتي في شهر رمضان**  
**أن يشفى الله جميع مرضى السرطان**



162. Рамазон ойидаги орзуим – барча саратон касалига чалингандарга Аллоҳ шифо ато этсин!



163. Аллоҳим! Рўзамини ҳақиқий рўзадорларнинг рўзасидек қилгин, таровехдаги қиёмимни ҳақиқий қоимларнинг қиёмидек қилгин, бизни ғофиллар уйқусидан уйғотгин! Ё Роббал оламин, гуноҳимни кечиргин, эй гуноҳкорларнинг гуноҳларини афв қилувчи Зот, бизни афв этгин!

#### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

رباہ ما أسرع انقضاء #رمضان  
لا أكاد أصدق أن هذه هي الليلة العاشرة  
اللهم اجعلنا من المقبولين يارب العالمين .

164. Рамазон мунча тез тугаб бормаса!  
Охирги ўнлик кирганига ишонгимиз келмайди!

Ё Роббал оламин! Бизларни ибодатлари мақбуллар қаторида қилгин!



### 165. Таровех намозининг фазилати

Таровех сўзи «тарвиҳа»нинг кўплик шакли бўлиб, бир бора роҳат олиш деган маънони англатади.

- унинг ҳукми – суннати муаккада;
- таровех намозини уйда ёлғиз ўқигандан масжидда жамоат бўлиб ўқиш афзал;
- таровех намозини хуфтон намозидан кейин, витрдан олдин ўқиш суннат;
- Рамазон ойи давомида хатм қилиб, битта тўлиқ хатмни охирига етказиш маҳбуб амалдир.
- ҳадисда «**Ким Рамазон ойида иймон билан, савоб умидида** (таровеҳда) қоим бўлса, ўтган гуноҳлари **кечирилади**» дейилган (*муттафақүн алаиҳ*).
- ҳадисда «**Ким** (таровеҳни) **имом билан охирига бирга ўқиса, тунни бедор ўтказган ҳисобланади**» дейилган (*Абу Довуд ва Насоий ривояти*).



د أحمد عيسى المعصراوي

قوافل العتقاء أوشكت على الرحيل فأجمع  
زادك وأخلص نيتك وأدرك الركب فأجتهد .  
تدرك في ليلة تعدل عمرك كله

#ليلة\_القدر  
#العشرين\_الأخير

166. Дўзахдан озод бўлганлар карвони ҳам жўнаб кетиш тадоригини кўрмоқда. Сен унга кетадиган сафар юкини тўпла, ниятингни холис қил, йўловчиларга етиб ол, кўп жидду-жаҳд қил. Қадр кечасини топсанг, бутун умрингга етадиган савобни кўлга киритасан.



167. Рамазон ойини бир ликопчадан бошқа ликопчага ўтишга айлантириб қўйманг! Рамазон ойи ибодат учундир!

### التغريدة



د. أحمد عيسى المعصراوي

#رمضان #

لا نتألم لرحيل الشهر المبارك

لأنه سيعود

ولكن نتألم أن يعود ونحن قد رحلنا

ليكن صوماناً صوماً مُوعِّد

وقياماً قياماً مُوعِّد

#العشرين\_الواخر

168. Рамазон тугаса, кейинги йил яна келади. Лекин ўзимиз-чи? Бу биз учун сўнгги Рамазон, сўнгги таровех эмасмикан?


ماجد زكي

احرص على أن تفطر صائمًا  
فيكون لك مثل أجره.

لكل أم : عند تحضير الطعام لأهل بيتك لا تنسى  
أن تضع في نية إفطار صائم

169. Рўзадорларга ифторлик беришга рағбат қилинг, чунки ифторлик қилиб берган кишига ҳам рўза тутган одамнинг савобидек ажр берилади.

Үй бекаларига, опа-сингилларга ҳам тавсиямиз шуки, оила аъзоларингизга таом тайёрлаётганда ҳам рўзадорларга ифтор қилиб беришни ният қилиб олинг (иншааллоҳ, шунда рўзадорга ифторлик берганларнинг савобини қўлга киритасиз).



170. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Жаннатда бир хона бор, унинг устки томони ичидан, ички томони устидан кўринади. У хонани Аллоҳ таоло таом улашган, сўзини мулойим қилган, рўзани (Рамазондан кейин ҳам) давом эттирган ва одамлар ухлагандага намоз ўқиганлар учун тайёрлаб қўйган», дедилар».

*Имом Аҳмад ва Байҳақий ривоят қилишиган.*

#### أخطاء يقع فيها المسلم في شهر رمضان

- ١ / ترك الدعاء المستجاب قبل المغرب
- ٢ / ترك ترديد آذان المغرب
- ٣ / تأخير الأفطار حتى نهاية الآذان
- ٤ / ترك السنّة بعد صلاة المغرب
- ٥ / عدم إكمال صلاة التراويح مع الإمام
- ٦ / الانشغال عن تراويف أول ليلة
- ٧ / الصلاة في رمضان فقط
- ٨ / الاتساف في تناول الطعام والشراب
- ٩ / الغفلة عن ختم القرآن مع التكبر
- ١٠ / صلاة المغرب في البيت للانشغال بالأفطار
- ١١ / تضييع الوقت بين المغرب والعشاء
- ١٢ / ترك السحور (تسخروا فإن في السحور بركة)
- ١٣ / ترك الدعاء المستجاب عند السحر
- ١٤ / عدم تعويذ الأطفال عن الصيام
- ١٥ / القيام ببعض المحرمات كالغيبة والنعمة والكذب والغش
- ١٦ / تضييع العشرة الاواخر في التسوق لمستلزمات العيد
- ١٧ / الانشغال بالمسلسلات والافلام

**انشرها فالدال على الخير كفاعله**

للمزيد من المنشورات المميزة لفظ لايك لصلاحية الظاء

171. Рамазон ойида содир бўладиган баъзи хатолар:

1. Шомдан олдин ижобат бўладиган фурсатда дуони тарк қилиш.
2. Шом азонини эшитганда такрорлаб турмаслик.
3. Токи азон тугагунича оғизни очмай туриш.
4. Шом намозидан кейинги равотиб суннатни тарк қилиш.
5. Таровех намозини имом билан бирга охиригача ўқимаслик.
6. Рамазоннинг биринчи кечасида таровех ўқимасдан, бошқа ишга машғул бўлиш.
7. Фақат Рамазонда намоз ўқиш.
8. Таом ва ичимликда исрофга йўл қўйиш.
9. Хатми Қуръонни тафаккур қилиб эшитишдан ғафлатда қолиш.
10. Ифтор билан машғул бўлиб, шомни уйда ўқиш.
11. Шом билан хуфтон орасидаги вақтни беҳуда ўтказиш.
12. Саҳарликни тарк қилиш. (Чунки ҳадисда: «Саҳарлик қилинглар, саҳарликда барака бор», дейилган).
13. Саҳарликда дуо ижобат бўладиган пайтни зое қилиш.
14. Ёш болаларни рўза тутишга қизиқтирмаслик.
15. Ғийбат, чақимчилик, ёлғон ва алдов каби баъзи ҳаром нарсалардан тийилмаслик.
16. Ҳайит учун кийиниш баҳонаси билан Рамазоннинг энг охирги фазилатли кунларини бозорда ўтказиб юбориш.
17. Фазилатли кунларни сериал ва фильмлар томоша қилиш билан ўтказиб юбориш.




172. Раҳмат эшикларининг энг кенг очиладиган пайти Рамазон ойида бўлади. Ким бу эшиқдан ушбу ойда кира олмадими, демак, ундан бошқа пайт ҳам кира олмаслиги аниқ.



173. Рўзанинг маъноларидан бири шуки, у бандани охират ҳаётига ҳам назар солишга ўргатади. Чунки одамларнинг дунёвий ўлчовлари бўйича агар инсон бирор нарса сотиб олса ёки сотса, ўша нарсада фойда бор ёки йўқлигига эътибор беради. Лекин мўмин кишининг қарashi бошқачадир, яъни

охират диёрида ҳисоб-китоб борлиги ҳар доим унинг кўз ўнгиди турди. Шунинг учун Аллоҳ ҳузуридаги нарсаларга эга бўлиш мақсадида баъзи дунёвий нарсалардан воз кечиб турди.



174. Рамазон ойининг фойдаларидан бири шуки, у нафсни жиловлашга одатлантириб, уни қўлга олишга ёрдам беради.



175. Аллоҳим! Рамазон ойининг қолган кунларини баракали қил. Рамазон кечаларида ибодат ва хатми

Куръонларда қоим қил. Бизларга Рамазоннинг яхшилиги, баракаси ва раҳматини насиб қил. Бизларниң исмимизни дўзахдан озод бўлганлар қаторида ёз!



176. Рамазон – Куръон ойи. Ушбу ойда Куръон нозил бўлгани учун у Аллоҳ хузуридаги энг ҳурматли ойдир. Сен ҳам ушбу ойда Куръонни тафаккур билан ўқиш орқали уни ўзинг учун энг ҳурматли ойга айлантири.



177. Аллоҳ учун ихлос ва иймон самараси бўлмиш қабул қилинган рўзанинг аломати – рўзадор тилини ёлғон ва

бефойда нарсалардан ҳамда қўлини озор берувчи нарсалардан тийиши, тана аъзоларининг барчасини гуноҳ ва маъсиятдан тийиши, Аллоҳ ғазаб қиласиган ҳар қандай зоҳирий ва ботиний нарсалардан тийилиши, ёмонликни яхшилик билан бартараф қилиши, агар бирор киши жоҳиллик қилса ёки сўкса, ёки жанжаллашса, тили ёки қалбида: «Мен рўзадорман», деб айтишидир. Мана шу билан инсон ютуқقا эришади, шундагина унинг тутган рўзаси тўсиқ ва ҳимоя бўлади.



178. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Ким рўзадор ҳолида унутиб еб қўйса, рўзасини охирига етказсин. Уни Аллоҳ едириб-ичирибди, холос**», дедилар».

*Имом Бухорий ривоят қилган.*

## تنيهات رمضانية

من الأخطاء :

أن بعض الصائمين يقتصرون في تمرير الصفار على عبادة الصيام في رمضان بزعم أنهم غير مكلفين . والمستحب تغويتهم على الصيام قبل البلوغ فيؤمرون به لتمريره عليه . خاصة إذا أطهنه ، لما ورد عن الريبع بنت مهود قالت : ( كنا نصوم صيانتنا ونجعل لهم اللعنة من العهن . فإذا بك أحدهم على الطعام أعطيناه ذلك حتى يكون عند الإفطار ) متفق عليه .

179. Баъзи рўзадорлар Рамазон ойида, ҳали болаларга фарз бўлмаган, деган фикр билан ёш болаларни рўза тутишга одатлантиришда камчиликка йўл қўйишади. Болалар ҳали балоғат ёшига етмасларидан олдин, агар кучи етса, рўза тутишга одатлантириш маҳбуб амалларданdir.

Рубайийъ бинт Муъаввиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Биз балоғатга етмаган болаларимизга ҳам рўза туттирадиган бўлдик. Уларга юнгдан ўйинчоқ қилиб берар эдик. Бирортаси овқат деб йиғласа, ифтор вақти бўлгунча унга ўшани бериб қўяр эдик». (*Муттафақун алаих*)

## التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوي

ليلة القدر .

قال مجاهد :

ليلة القدر ليلة سالم لا يحدث فيها داء ولا يرسل  
فيها شيطان .

[لطائف المعارف (١٨٢)]

### 180. Қадр кечаси ҳақида Мужоҳид:

«У кеча соғ-омонлик кечаси бўлиб, унда бирор дард ёпишмайди ва кишанланган шайтонлар қўйиб юборилмайди», деганлар.



181. Рўзанинг фазилатларидан бири – у икки дунё баҳт-саодати сабабчисидир. Шунинг учун сахих ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Рўзадор учун икки хурсандчилик бор: бири – ифтор қилгандаги хурсандчилик, иккинчиси – Роббига йўлиқкан пайтдаги хурсандчилик», деганлар. Рўзадорнинг оғиз очгандаги хурсандчилиги дунёвий ва шошилинч келган шодликдир. Бу ҳам баҳт-саодат белгисидир. Баҳт-саодатнинг асли қалб қувончиидир. Баҳт-саодатни қидирганлар уни Аллоҳга тоат-ибодат ва тақвода топишади, холос.



182. Қадр кечаси деб номланишига сабаб шуки, мазкур кечада бизнинг тақдиримиз ўзгариши мумкин!

Аллоҳим! Бизларни ўша кечага етказиб, қабул этилганлар қаторида қил!



183. «Улар Аллоҳни Ўзига лойик қадрламадилар» (*Хажс сураси, 74-оят*).

Роббим, Сени поклаб ёд этаман. Биз Сени ҳақиқий қадрлай олмадик, Сенга ҳақиқий маънода ибодат қила олмадик, Сенга

хақиқий мақтov айта олмадик. Бизларнинг гуноҳимизни кечир, бизга раҳм қил, камчиликларимиз сабаб азобга қўйма!



184. *Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:*

«(Охирги) ўн кунлик кирганда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам изорларини маҳкам боғлаб, кечани бедор ўтказар ва аҳлларини уйғотар эдилар».

*Имом Бухорий ривоят қилган.*



185. *Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оғиз очганларида: «Заҳаба аз-зама`у вабталлатил уруқу ва сабатал ажру иншааллоҳу таъала», дер эдилар».

*Абу Довуд ва Насаий ривоят қилишган  
 (Дуонинг маъноси: «Чанқоқлик кетиб, томирлар ҳўлланиб,  
 Худо хоҳласа, ажр событ бўлди».)*



186. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қадр кечасини Рамазондаги охирги ўн кунликнинг тоқ кечаларидан изланглар», дедилар».

*Имом Бухорий ривоят қилган.*



187. Рамазон қалбга бир назар солиб, Аллоҳнинг буйруқларига боғланишга қаратилган улкан лойиха ва шарафли бир фурсатдир.



188. Рамазон итоат қилувчилар ойи, ибодат қилувчи обидлар ҳамроҳи, Ўзининг fazli билан ҳидоят топиладиган, барча ойлардан устун бўлган шарафли бир ойдир.




189 . Қадр кечасининг фазилати:

У кеча ёмонлик ва озор беришдан холи бўлган бир кечадир. Бу ҳақда Аллоҳ таоло:

«У (кеча) то тонг отгунча тинчлик-омонлиkdir», деган.

(Қадр сураси, 5-оят).



190. Рамазон ойида гуноҳларни тарк қилиш намунали бўлиш учун даъво ёки шахсиятдаги камчилик эмас. Балки у банда билан Робби орасида узилмайдиган алоқа орзусидир.



191. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ёлғон гапиришни, унга амал қилишни ва жаҳолатини қўймаса, Аллоҳ унинг таоми ва ичимлигини тарк этишига муҳтож эмас», дедилар».

*Имом Бухорий ривоят қилган.*



192. Муъалло ибн Фазл айтадилар:

«Саҳобалар Аллоҳ таолога Рамазонга соғ-омон етказишини сўраб, олти ой дуо қилишар эди. Кейин Ундан рўзаларини қабул қилишини сўраб, яна олти ой дуо қилишар эди».



193. Рўзадорнинг аъзолари гуноҳдан, тили алдамчилик, фахш ва ёлғон сўздан, қорни таом ва ичимликдан, жинсий аъзоси жинсий қовушишдан тийилган бўлади. Мана шу шариатга мос рўза бўлиб, у фақат овқат ва ичимликдангина тийилишдан иборат эмас.



194. Аллоҳим! Рўза оғизлари билан рўзғор тебратиш мақсадида ишлаётган ишчиларнинг бошларига тушаётган қуёш нурини озайтириб бер.



د أحمد عيسى المعصراوى

تبقي لك ٩ ليالي  
لكي تجمع الغنائم من الطاعات  
فحاول يا أخي العزيز  
أن تجمع لك أكبر قدر  
من الغنائم لاتدرى  
لعل العام القادم لا ندرك رمضان

195. Мана, ғанимат фурсатларни қўлга киритиш мақсадида тоат-ибодат килинган ой – Рамазоннинг ҳам тўққиз куни қолди, холос.

Азиз биродарим! Имкон қадар кўпроқ ўлжа тўплашга харакат қилиб қолинг. Эҳтимол, келгуси йил Рамазонни топа олмасмиз!




196. Рўза – Аллоҳнинг тоатида, Унинг ҳурматини адо этиш йўлида, нафсни Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларга сабр қилишга ўргатиш учун ҳавои нафсга қарши курашишдир. Ундан мақсад фақат оғизни очиб юборувчи нарсалардан тийилиш эмас.



يا رب كل من صام ليرضيك  
أسألك أن تقبل صومه ،  
و تيسر أمره ،  
و تخرج همه ،  
و تتغفر ذنبه  
تقبل الله منا ومنكم الصيام والقيام

197. Роббим! Ўзингнинг розилигинг учун рўза тутган барча бандаларингнинг рўзасини қабул этишингни, ишлари осон бўлишини, ғамлари аришини, гуноҳлари мағфират бўлишини сўрайман.

Аллоҳ барчамиздан рўза ва киёмни қабул қилсин!



### 198. Қадр кечасининг аломатлари:

Биринчи аломати: Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлишича, Қадр кечасининг аломати «Тонгда қуёшнинг нурсиз бўлиб чиқишидир». (*Имом Муслим ривоят қилган*)

Иккинчи аломати: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қадр кечаси ярқираган, иссиқ ҳам эмас, совуқ ҳам эмас. Ўша куни қуёш кучсиз, қизил бўлиб чиқади», дедилар. (*Ибн Хузайма ривоят қилган*)

Учинчи аломати: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қадр кечаси порлоқ кеча бўлиб, иссиқ ҳам, совуқ ҳам бўлмайди. У кечада юлдузлар учмайди», дедилар. (*Табароний ривоят қилган*)



199. Саҳарликда ҳам хурмо тановул қилиш маҳбуб амаллардандир. Ушбу суннатдан қўпчилик ғафлатда қолади. Чунки улар фақат ифторликда хурмо ейишни суннат деб ўйлашади. Ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Мўмин кишининг саҳарлигига хурмо бўлиши бунча ҳам яхши**», деганлар. (*Абу Довуд ривоят қилган*).



200. «Тоат ва маъсиятнинг ўзига хос кўриниши ва шакли бор ҳамда гавҳари ва мағзига оид маъноси, сири бор.

Инсон Аллоҳга яқинлашадиган тоат-ибодатининг кўриниши ва шакли ибратли эмас, ундаги ҳақиқий ибрат ибодатнинг ҳақиқати ва сиридир».

(*Имом Муҳаммад Саъид Рамазон Бутийнинг «Ҳикамил Атоийя шарҳи» китобидан*)



201. Тилингни тий! Эҳтимол, оғзингдан чиққан бир сўз сени Рамазонда дўзахдан озод бўлганлар карвонига қўшилишдан маҳрум қилиб қўяр?



202. Шомга аzon айтиш вақти бўлди.  
Баъзи рўзадорлар эса мана шундай аянчли ахволда...



203. Рамазон Қуръон тиловати оидир!



204. «Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақво қилсангиз» (*Бақара сураси*, 183-оят).

Рамазон шундай ойки, шайтонлар кишанланиб, унда диннинг қадри билинади. Унда ёмон одамлар ҳам яхши кишиларга ўхшаб қолади. У таровех, ибодат ва фойдали тижорат ойи, нур ва фонуслар ойи, қабиҳлик тарк қилинадиган ой, у ойда қалблар ризқланади, гуноҳлар кечирилади ва ёнбош тўшакдан йироқлашади.



## 205. Ифторлик овқатларини танқид қилиш!

Гоҳида онангиз ёки аёлингиз, ёки синглингиз, ёки қизингизни рўзадор ҳолида кундузнинг аксар қисмини ошхонада ўтказиб, сиз учун тайёрлаган таомини танқид қилиш орқали уларнинг қалбига жароҳат етказиб қўясимиз. Ахир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон бирор таомни айбламаганлар-ку!

### التغريدة



د. أحمد عيسى المعصراوي

نَزَّلَ الْقُرْآنُ الْكَرِيمُ فِي هَذَا الشَّهْرِ الْفَضِيلِ قَبْلَ أَنْ  
يُفْرَضَ فِيهِ الصَّيَامُ .. فَهُوَ شَهْرُ الْقُرْآنِ قَبْلَ أَنْ  
يَكُونَ شَهْرُ الصَّيَامِ

#رمضان  
#العاشر\_الآخر

## 206. Куръони Карим ушбу фазилатли ойда нозил бўла бошлаган пайтда рўза ҳали фарз бўлмаган эди. Бу ой рўза ойи бўлишдан аввал Куръон ойи эди.

## التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوى

أكثروا من الصدقات في شهر الخيرات

#رمضان

207. Хайр-барака ойи бўлмиш Рамазон ойида кўп садақа улашинг!



208. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Рамазоннинг охирги муборак ўн кечаларини ғанимат билишга тарғиб қилиб, намоз ва зикр учун ахли аёлларини уйғотганлари ушбу кунлар фазилатли эканига далилдир. Чунки Аллоҳ муваффақ қилганлар учун бу кечалар умр фурсатидир. Ушбу бебаҳо фурсатларни ўтказиб юбормаслик оқил мусулмонга лозимдир. Улар жуда ҳам қисқа фурсатлардир. Эҳтимол, инсон ушбу кечаларда Аллоҳ томонидан бўладиган файзу футухни топиб, ана шу нарса сабабли дунё ва охиратда баҳт-саодатни қўлга киритар.



209. Набий соллаллоҳу алаиҳи васалламнинг жуфти ҳалоллари Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алаиҳи васаллам то вафот этгунларича Рамазоннинг охирги ўн кунлигига эътикоф ўтирган эдилар. Жуфти ҳалоллари у зотдан кейин ҳам эътикоф ўтиришди»

*Имом Бухорий ривоят қилган.*

**علامات ليلة القدر..**

الصحابية الصالحة & الحسنة، في الجنة

**ليلة القدر خيرٌ من ألف شهر**

وقد روى في علاماتها " أنها ليلة بلجة منيرة " وهي ساكنة لا قوية الحر ولا قوية البرد وقد يكشفها الله بعض الناس في المنام أو اليقظة . فيرى أنوارها أو يرى من يقول له هذه ليلة القدر وقد يفتح على قلبه من المشاهدة ما يتبيّن به الأمر . والله تعالى أعلم

(مجموع فتاوى)

صحیح البخاری و مسلم

210. «Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир» (*Қадр сураси, 3-оят*).

Қадр кечасининг аломатлари ҳақида кўплаб ривоятлар келган.

«У кеча порлоқ ва нурли бўлади».

«У кеча сокин бўлиб, иссиқ ҳам совуқ ҳам бўлмайди».

Гоҳида Аллоҳ таоло баъзи одамларга тушда ҳам, уйғоқлигидә ҳам бу түннинг ҳақиқатини очиб қўяди. Ўша одам унинг нурини кўради ёки ушбу тун Қадр кечаси, деб айтган кишини кўради. У кишининг қалбида ушбу кечага тааллуқли ишлар мушоҳадаси очилади.



## 211. Рамазоннинг охирги ўн кунлиги атрофидаги фикрлар: Биринчи фикр:

Охирги ўн кунликнинг ҳар бир кечасида бир (минг) сўмдан бўлса ҳам садақа қил, агар садақанг Қадр кечасига тўғри келиб қолса, 84 йил давомида ҳар куни садақа қилган бўласан.

### Иккинчи фикр:

Рамазоннинг охирги ўн кунидаги тунларда икки ракъат бўлса ҳам таҳажжуд намози ўқиб ол, агар намозинг Қадр кечасига тўғри келиб қолса, 84 йил давомида ҳар кеча таҳажжуд ўқиган бўласан.

### Учинчи фикр:

Рамазоннинг охирги ўн кунида ҳар кеча уч мартадан Ихлос сурасини ўқиб қўй, агар тиловатинг Қадр кечасига тўғри келиб қолса, 84 йил давомида ҳар кеча Қуръонни тиловат қилган бўласан.

**Аллоҳим! Бизларни ана шу майдонда ғалаба қозонувчилардан қил!**



212. Рамазондан кейин ҳам рўза тутиш тугаб қолмайди,  
Қуръон ўқишдан йироқлашилмайди, масжидни тарк  
қилинмайди!

**«Ва сенга аник нарса (ўлим) келгунича Роббингга  
ибодат кил» (Хижр сураси, 99-оят).**

Сен рамазоний бўлма, раббоний бўл! (Яъни хар доим  
ибодатда бўл, фақат Рамазонда ибодат қилувчи бўлма!)



213. Қадр кечаси не эканини сенга нима билдириди?!

У шундай улуғ кечаки, инсоният халқ қилинганидан буён

унинг улуғлигига гувоҳ бўлган.

У шундай кечаки, Аллоҳ таоло Қуръонни нозил қилишни ана шу кечада бошлиған ва борлиқнинг барчасига ҳидоят нури етиб борган.

Аллоҳ таоло уни ҳар йили эслаш лозимлигни ҳамда у йилнинг энг афзал кечаси эканини, ундаги ибодат минг ойлик ибодатдан яхши эканини эълон қилган.



214. Рамазоннинг охирги ўн кунлиги афзалми? Ёки зулҳижжанинг ўн кунлигими?

Рамазоннинг охирги ўн кунлиги кеча жиҳатидан афзалдир. Чунки унда Қадр кечаси бор. Зулхижжанинг аввалги ўн кунлиги эса кундуз жиҳатидан афзалдир. Чунки бунда арафа куни, нахр (сўйиш) куни бордир.

Аслида иккови ҳам дунё кунларининг афзалидир. Мана шу ахли илм муҳаққиқлар наздидаги афзалидир.

Кундуз жиҳатидан зулхижжанинг аввалги ўн кунлиги афзалдир.

Тун жиҳатидан Рамазоннинг охирги ўн кунлиги афзалидир.  
Аллоҳ Ўзи ёрдамчимиз бўлсин!



215. Аллоҳим! Қадр кечасини топиш билан бизларни икром қил. У кечадаги дуони бизларга осонлаштири. Гүзал хотима ва мукаммал иймон билан жон беришни насиб қил!

لا تغروا سه تكرار  
 اللهم إنك عفو تحب العفو فأعف عننا  
 فإنه إزا عفا الله عنكم  
 أفلحتم  
 ونجوتكم  
 وسعدتم  
 اللهم إنك عفو تحب العفو فأعف عننا

216. «Аллоҳумма иннака афуввун, тухиббул афва, фаяфу ъаний» (Роббим, Сен афв қилувчисан ва афв қилишни яхши кўрасан. Мени афв эт), дея такрор-такрор айтишни ҳеч малол кўрманг. Чунки Аллоҳ сизларни афв қилиб кечирса, ютуққа эришасиз, нажот топасиз ҳамда баҳт-саодатга эришасиз.



## 217. Қадр кечасининг тартиб жадвали:

- соат 21:30 дан соат 23:30 гача хуфтон, таровех намозлари ва илм мажлисларида бўлиш.
- соат 23:30 дан 24:00 гача зикр, дуо ва муножот.
- соат 24:00 дан 24:30 гача бироз дам олиш (ёки сахарлик тановул қилиш).
- соат 24:30 дан 01:15 гача таҳажҷуд намозини ўқиш.
- соат 01:15 дан 01:45 гача зикр ва тасбех айтиш.

(Масалан: «Субҳааналлоҳи вәлхамду лилаахи валаа илаахаа иллаллоҳу валлооҳу акбар»ни 100 марта.

«Субҳааналлоҳи ва биҳамдиҳи субҳааналлоҳил ъазийм»ни 100 марта.

«Лаа илааха иллаллооҳу вахдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку валаҳул ҳамду вахува ъалаа кулли шай`ин қодийр»ни 100 марта.

«Астағфируллооҳал ъазийм ва атубу илайҳ»ни 100 марта.

«Аллоҳумма солли ўалаа Мұхаммадин ва ўалаа оли Мұхаммад»ни ёки бошқа салавотни 100 марта айтиш).

– соат 01:45 дан 02:15 гача яна зикр, дуо ва муножотга машғул бўлиш.

– соат 02:15 дан 02:45 гача хатми Қуръон ва унинг дуоси билан машғул бўлиш.

соат 02:45 дан 03:00 гача агар масжидда витр ўқимаган бўлса, уни адо этиш.

Бу айтганларимиз «Қадр кечасида нима билан машғул бўлайлик?» деб сўраганлар учундир. Умуман олганда, Қадр кечасида зикр, ибодат, Қуръон тиловати, таҳажҷуд ва дуога машғул бўлинади. У кечада Аллоҳдан гуноҳларини кечириб, афв қилишини сўраб, қалб тўридаги истакларни Аллоҳдан ихлос ила сўраш билан машғул бўлинади. Ҳар орада «Аллоҳумма иннака афуввун, тухибул афва, фаъфу ъаний», деган дуони ўқиб турилади.

(Дуонинг маъноси: «Аллоҳум، Сен афв қилувчисан, афв қилишини севасан, мени афв қилиб, кечиргин»).

Бомдод намозининг вақти киргач, масjidга бориб, бомдодни жамоат билан ўқилади. Қуёш чиққач, дам олиш мумкин бўлади.

### التغريدة



د احمد عیسیٰ المغاربی

إضاعة الوقت من علامات المقت، فكيف  
به في ليلة القدر  
ضياع ساعة فيها ضياع أعمار طويلة  
فزن محبة الله لك بتوفيقك لها وفيها  
وصايا ليلة القدر

218. Вақтни зое қилиш ғазабга учрашнинг аломатлариданdir. Энди Қадр кечаларида вақтни зое

қилғаннинг аҳволи қандай бўлур?! Унда бир соатни зое қилиш узун умрни зое қилиш демакдир. Ўша кечани топишга муваффақ бўлиш Аллоҳнинг сенга нисбатан муҳаббати ўлчовидир.




219. Аллоҳнинг изни билан Қадр кечасининг савобига эришиш йўлидаги оддий тушунчалар:

- Ҳар кечада таровех ва таҳажжуд намозларини қолдирмасдан адo қилиш.
- Ҳар кеча арзимас миқдорда бўлса ҳам садақа улашиш.
- Ҳар кеча Қуръон тиловати или машғул бўлиш.
- Ҳар кеча «Аллоҳумма иннака афуввун, туҳиббул афва, фаяфу ъянний», деб айтиш билан машғул бўлиш.

(Дуонинг маъноси: «Аллоҳум، Сен афв қилувчисан, афв қилишини севасан, мени афв қилиб, кечиргин»).

- Истиғфор, тасбех ва зикрларни кўпайтириш.
- Фойдасиз ижтимоий борди-келдилар, зиёратлардан четланиб туриш.
- Жимлик ва хотиржамликка эътибор бериб, тортишув ва жанжаллардан йироқ бўлиш.
- Аллоҳдан ибодатларни қабул қилишини кўп сўраш.



220. Қадр кечаси хусусидаги тавсиялардан:

Ушбу кечадаги дуоларнинг энг афзали «**Аллоҳумма, иннака афуввун, тухиббул афва, фаяфу ъаний**», дейишидир (*Аллоҳим, Сен афв қилувчисан, афв қилишини севасан, мени афв қилиб, кечиргин*).

Ушбу дуони йил бўйи содир қилиб қўйган гуноҳларимиз учун тавба қилган ҳолда айтайлик.



221. Баъзи мусулмонларнинг ишлари ажойиб!

Ушбу улуғ кунлардаги ибодатларида Роббларига: «Роббим, Сен афв қилувчисан ва афв қилишини яхши кўрасан. Мени афв эт», деб дуо қиласидилар-да, аммо ўзлари одамларни,

яқинларини, қариндошларини ва биродарларини афв қилишмайди, кечиришмайди. Ахир Аллоҳдан афв қилишини талаб этиб туриб, ўзи бандаларни кечирмасликдан уялмайдими?

Эй Аллоҳнинг бандалари! Кечиримли бўлинглар, шояд Аллоҳ ҳам сизларни кечирса!

Аллоҳ таоло бу ҳақда: «**Бас، афв этсинлар, ўтиб юборсинлар. Аллоҳнинг сизларни мағфират қилишини севмайсизларми?!**» дея марҳамат қилган (*Nur сураси, 22-оят*).



د أحمد عيسى المعصراوي

### وصايا ليلة القدر

وخير الدعاء ما كان في الصلاة، وأعلاه ما  
كان في السجود، وأعلى منه ما كان في  
السّخّر..

أطل في دعائك مع بكتئك!

### 222. Қадр кечасининг тавсияларидан:

Дуоларнинг энг яхшиси намоздагисидир. Энг олийси саждадагисидир. Ундан ҳам чўкқидагиси сахардаги дуодир!

Дуоингни йиғи билан узайтир!

**إذا لم تحسن الاستقبال**  
**فللاتسن الوداع**  
**العبرة بكمال التهيات لا**  
**بنقص البداءات .**  
**ويقول الحسن البصري : أحسن فيما بقى**  
**يغفر لك ما مضى .**  
**فاغتنم ما بقى فلان درسي متى تدرك**  
**رحمة الله من ممّا تكون في آخر ساعة**  
**من رمضان .**  
Source: Al-Bukhari  
Category: Dua  
**اللهم اخْتَمْ لِي رَمَضَانَ بِالغُفرَانِ وَالعُقْدَةِ مِنَ النَّيْرَانِ :**

223. Рамазонни чиройли кутиб олмаган бўлсанг ҳам, видолашувни гўзал тарзда адо эт. Охири мукаммал бўлганидан ибрат олинади, аввали нуқсонли бўлганидан эмас.

Ҳасан Басрий: «Сен рўзанинг қолганини чиройли адо қил, ўтганидаги камчиликларини Аллоҳ кечиради», деганлар.

Сен қолганини ғанимат бил! Қачон Аллоҳнинг раҳматига эришишингни билмайсан. Эҳтимол, у Рамазоннинг охирги соатидададир!



224. Аллоҳнинг «Ал-Ғофур» ва «Ал-Афв» исмлари орасидаги фарқ қуидагичадир:

«Ал-Ғофур» сифати «гуноҳларни ўчириш»дир.

«ал-Афв» сифати эса қиёмат куни сенинг ва фаришталарнинг гуноҳларини гўёки уларни содир этмагандек, изини ҳам ўчириб юбориши ва сендан рози бўлиши ҳамда сўрамасанг ҳам беришидир. Шунинг учун дуода: «Аллоҳумма иннака афуввун, тухиббул афва, фаъфу ъаний», дейилади.

(Дуонинг маъноси: «Роббим, Сен афв қилувчисан ва афв қилишни яхши кўрасан. Мени афв эт».)



د احمد عیسی المغاربی

احذر سارقی ليلة القدر!

التلفزيون..الهواتف الذكية.. حسابات

ال التواصل.. الإفطار الثقيل.

التسوق..الزيارات الأسرية..

وصايا ليلة القدر

225. Қадр кечасининг ўғриларидан огоҳ бўлинг!

1. Телевизор;
2. Уяли телефон;
3. Ижтимоий тармоқлар;
4. Кучли ифторлик;
5. Бозорлик қилгани бориш;
6. Ҳар хил зиёратлар.



د أحمد عيسى المعصراوى

### وصايا ليلة القدر

قال الشافعى: ليلها كنها رها.  
فاجتهد فى نهارها رجاء الأجر، وبنية أن  
تقدّم بالنهار حسنة يكافئك الله عليها ليلا  
بالفوز بها

### 226. Қадр кечасининг тавсияларидан:

Имом Шофеъий: «Қадр кечаси худди ўша куннинг кундузи кабидир, сен кундузи ҳам жидду-жаҳд қиласвер. Кундузи ҳам яхшилик тақдим қилиш ниятида бўлсанг, Аллоҳ тунда ҳам ютуққа эриштириб, мукофотлайверади», дедилар.




### 227. «Агар Қадр кечаси бутун йилнинг кечаларидан бирига яширилган бўлганида ҳам, мен уни топиш учун ҳар тунни бедор ўтказар эдим.


У Рамазоннинг охириги ўн кунига яширилганига нима

дайсиз?!

(Ахир у атиги ўн кун ичига яширилган холос!)»




228. Фузайл ибн Иёз: «Агар тундаги намозга туришга ва кундузги рўзани тутишга қодир бўлмасанг, билиб қўй, хатоларинг чулғаб олгани учун маҳрумликка юз тутмоқдасан», дедилар.



229. Саҳарлик пайти сирлар пайдидир. У туннинг охириги ярмидан то бомдоддан олдинги вақтгачадир.



230. Ким бир соат эвазига саксон уч йилни сотиб олмаса, у маҳрум бўлган, маҳрум бўлган, маҳрум бўлгандир. Қадр кечаси минг ойдан яхшидир.



231. Қадр кечаси деганда буюк ва шарафли кеча деган маънони англаймиз. У йилнинг кечалари ичидаги энг афзal кечадир.



232. Аллоҳим! Қадр кечасига (соғ-омон) етказ!

#### التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوي

اللهم إني أسألك بأسمائك الحسنى أن تجعلنا من  
عتقائك من النار

233. Аллоҳим! Гўзал исмларинг ҳурмати сўрайман, бизни  
дўзахдан озод бўлганлар қаторида қил!



234. «Аллоҳумма, иннака афуввун, тухиббул афва, фаъфу ъаний!»

Аллоҳим, Сен афв қилувчисан, афв қилишни яхши кўрасан, мени афв қилгин!

Аҳли илмлар шундай дейишади:

- Афв Аллоҳдан бўлади;
- Афв соғлик, оғият маъносига ҳам келиб, аъзои баданинг соғлом бўлишини ҳам англатади;
- Афв қалбий амалларга муваффақ бўлишини ҳам англатади;
- Афв фарзанд, ризқ ва яхшиликларнинг зиёда бўлишини ҳам англатади.

Қадр кечаси шу дуони айтинг, ундан ғафлатда қолманг!

## التغريدة



د. أحمد عيسى المعصراوي

تنزل الملائكة والروح فيها.

يكثر نزول الملائكة بكل أمر قضاه الله في  
تلك السنة من بركة  
فاحرص رحمك الله أن تكثر من الأعمال  
الصالحة هذه الليلة

**235. «Унда фаришталар ва Рух (Жаброил алайҳиссалом) Роббининг изни ила (йил давомида қилинадиган) барча ишлар билан (осмондан заминга) тушурлар» (*Қадр сураси, 4-оят*).**

Қадр кечаси фаришталар Аллоҳ тақдирга битиб қўйган ушбу санадаги барча ишнинг баракасини олиб тушишади.

Аллоҳ раҳм қилсин, бу кечада солих амалларни кўпайтиришга рағбат қилиб қолайлик!

إذا كنت تندغ وضائقي عليك الوقت وتراحتت في قلبك  
حوانجـ ..  
فاجعل كل دعائك أن يعفو الله عنك فلن عـ عنك ..  
انتك حوانجـ من دون مسالة..  
”اللـم إـك عـفـو تـحـبـ العـفـو فـاعـفـ عـنا“

**236. Дуо қилаётганда вақт тифиз бўлса, аммо қалбингиз эҳтиёжга тўлиб кетган бўлса, Аллоҳдан факат афв сўраб дуо қилаверинг! Аллоҳ афв қилса, ҳожатлар сўрамасак ҳам бароридан келаверади.**

**«Аллоҳумма, иннака ъафуввун, тухиббул афва, фаъфу ъанна!»**

(Аллоҳим, Сен афв қилувчисан, афв қилишини яхии қўрасан,  
бизни афв қилгин!)

Изоҳ: «Фаъфу ъаннаа» дейилса, «Бизни афв эт» дегани,  
«фаъфу ъаний» дейилса, «Мени афв эт», дегани бўлади.

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

قال ابن رجب رحمة الله :-  
 يا مَنْ ضَاعَ عُمْرُهُ لَا شَيْءٌ اسْتَدْرِكَ مَا فَاتَكَ فِي  
 لِيْلَةِ الْقَدْرِ فَإِنَّهَا تُحْسَبُ بِالْعُمْرِ

### لطائفُ المَعَارِفِ

237. Ибн Ражаб роҳимаҳуллоҳ айтдилар:

Эй умрини зое қилиб, ҳеч нарсага эришмай қолган одам!  
Қўлдан бой берган нарсаларингни Қадр кечасидан топ, чунки  
бу кечадаги амал бир умрга тенгдир.

**ليلة القدر**

هدية الرحمن لأمة الحبيب محمد ﷺ، ليلة أصلنا، والتقوز بالمنقرة ودخول الجنان، ليلة عظيمة (وَمَا أَذْرَكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ) سلام لضم من الله، سلام للدعاة والمجاهدين والمصلين والمساندين وروافعى لواه السنة، سلام للثائبين بهذه لياليهم .

**أولاً : فضائل ليلة القدر**

- 1- التشريف : لقد شرفها الله سبحانه و تعالى بسوره سخامة القدر .
- 2- خير من 83 سنة و 4 أشهر : عن أنس بن عاصي قال : دخل رمضان فقال النبي ﷺ : إن هذا الشهور قد حضرتموه وهي ليلة خير من ألف شهر من حرمتها فقد حرم الخير كلها ولا يحرم خيرا إلا حزوره ، (صحيح) 1000
- 3- ليلة المنقرة : عن أبي هريرة رضي الله عنه قال : قال رسول الله ﷺ : من قام ليلة القدر بهما نافع له ما تقدم من ذاته . (صحیح البخاری) 6441
- 4- ضيوف على الأرض : عن أبي هريرة رضي الله عنه قال : قال رسول الله ﷺ : كيلا ليلة القدر ليلة ساجدة أو تاسعة وعشرون من رمضان أن الملائكة تلك الليلة في الأرض أكثر من عدد الحجر . (سنن ترمذ) 2205
- 5- جبريل يعود من جديد : نزول الروح جبريل عليه ممدداً لقوله تعالى (تَنْزَلُ الْمَلَائِكَةُ وَالرُّوحُ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ مِنْ كُلِّ أُمْرٍ) ص 4 وقد كان أبو بكر الصديق و عمر بن الخطاب رضي الله عنهما بعد وفاة النبي ﷺ إلى أم أسماء فيتذاكران في الحديث لانقطاع جبريل عليه السلام .
- 6- تنزل الأرزاق والأجال لعام مقابل : قال تعالى : (إِنَّهَا تَنْزَلُ كُلَّ أُمْرٍ حَكِيمٍ) ص 4، تننزل ما كتبه الله سبحانه للملحوظات من الروح المحفوظ إلى السماء الدنيا على الملائكة من آفوات وأجال .
- 7- ليلة مباركة : قال تعالى : (إِنَّ أَنْزَلَنَا فِي لَيْلَةٍ مِنْ مَبَارَكَةٍ) ص 3 .

238. Қадр кечаси Аллоҳ таолонинг Мұхаммад алайхиссалом умматига тұхфасидир. Бу софларни танлаб олиш кечаси, ютуққа эришиш кечаси, мағфират кечаси, жаннатга кириш кечасидир. Бу ана шундай буюк кечадир. Бу кеча Аллоҳ таоло даъватчиларга, жидду-жаҳд қилувчиларга, намозхонларга, рўзадорларга, суннат байроғини кўтартганларга ва тавба қилувчиларга салом йўллади.

Қадр кечасининг фазилатларидан:

**1. Шарофатга эришиш кечаси.** Аллоҳ таоло уни Қадр сураси билан шарафлаган.

**2. У кеча 83 йил ва 4 ойдан яхшидир.** Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Рамазон кирса, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шундай ой кириб келдики, унда минг ойдан афзал бир кеча бор. Ким ундан маҳрум бўлса, барча яхшиликлардан маҳрум бўлибди. Факат маҳрум кишигини унинг яхшилигидан бебаҳра қолади», деганлар (*Ибн Можса ривояти*).

**3. Мағфират кечаси.** Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Қадр кечасида иймон билан, савоб умидида қоим бўлса, ўтган гуноҳлари кечирилади», деганлар (*Муттафақун алайҳ*).

**4. Ер куррасига азиз меҳмонлар ташриф буюради.** Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қадр кечаси Рамазоннинг 27 ёки 29-кечасидир, бу кечада ер юзидағи фаришталар майда тошдан ҳам кўп бўлишади», деганлар (*Имом Аҳмад ва Ибн Ҳузайма ривояти*).

**5. Жаброил алайхиссалом янгидан тушадилар.** Жаброил алайхиссаломнинг тушишлари Аллоҳнинг қуйидаги оятига биноандир: «Унда фаришталар ва Рух (Жаброил алайхиссалом) Роббининг изни ила (йил давомида қилинадиган) барча ишлар билан (осмондан заминга) тушурлар» (*Қадр сураси, 4-оят*).

Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳумо Набий алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин Умму Айманнинг ҳузурига бориб, Расулуллоҳни эслаб, Жаброил алайҳиссалом келмай қўйғанлари учун йиғлашар эди.

**6. Келгуси йилги ризқлар ва ажаллар нозил бўлади.** «Унда (Қадр кечасида) ҳар бир ҳикматли иш ажратилиб, ҳал қилинур» (*Духон сураси, 4-оят*). Фаришталар Аллоҳ таоло Ўзининг махлуқотлари учун Лавҳул Маҳфузда битиб қўйған ризқ ва ажаллар мажмуасини дунё осмонига олиб тушадилар.

**7. Муборак кечадир.** Аллоҳ таоло шундай деган: «**Биз уни (Куръонни) муборак кечада нозил қилдик**» (*Духон сураси, 3-оят*).



239. Кўпчилик одамлар Қадр кечаси намоз ва Қуръон тиловатига машғул бўлишади, аммо яна бир фазилатли амал хусусида ғафлатда қолишади. Бу амал ушбу фазилатли кунда садақа улашишдир. Қадр кечаси ўқилган намоз минг ойлик намоздан афзалдир. Иншааллоҳ, бу намоз ўттиз минг намозга тенгдир. Худди шунингдек, бошқа амаллар ҳам оятда айтилганидек, «минг ойдан яхшироқ» бўлади.

Ким Қадр кечаси бир динор садақа қилса, иншааллоҳ, ўттиз минг динор садақа қилғандек бўлади.

Рамазоннинг охирги ўн кунлигидаги тоқ кунларда Қадр кечасини излаётганлар бу кечаларда бир динор бўлса ҳам садақа қилишлари яхшидир. Агар бу кечаларнинг барчасида садақа улашса ва ибодатларга белни маҳкам қилса, иншааллоҳ, унга Қадр кечасининг ажри кафолат қилинади.


### التغريدة



د. أحمد عيسى المعصراوى

اللهم اكتب لنا في ماتبقى من شهرك الكريم  
حظاً من بركاته، وسهّل سبلنا إلى خيراته، ولا  
حرمني قبول حسناته يا هادياً إلى الحق المبين

240. Аллоҳим! Муборак Рамазон ойининг қолган кунларида баракот бер, йўлимизни яхшилик томон бур! Эй ҳақ ва равshan йўлга ҳидоят қилувчи Зот! Яхшиликларни қабул этишдан бизни маҳрум қилма!



لم تنتهي أيام العفو والرحمة والغفران  
فالله باق، ومدام الله باق فعفوه  
ورحمةه ومغفرته باقية .. اجتهد في طاعتك  
وأكثر من الدعاء فالله كريم ولا يخيب ظن عباده

241. Афв, раҳмат ва мағфират кунлари тугагани йўқ. Аллоҳ боқийдир, Унинг афви, раҳмати ва мағфирати ҳам абадийдир. Тоат-ибодатга жидду-жаҳд қилиб, дуони кўпайтирайлик. Аллоҳ сахийдир, бандасини ноумид қилмайди.

التغريدة



د احمد عيسى المعرّاوي

احرص اليوم!


فهناك قبل المغرب دعویان مستجابتان:

دعوة صائم و ساعة الإجابة ل يوم الجمعة

فلا تقوتها وتبه من حولك

#رمضان

242. Бугун эътибор берилиши керак бўлган яна бир фурсат борки, уни қўлдан бой бермаслик учун ҳаракат қилиш керак – бу шомдан олдин ижобат бўладиган икки дуодир. Бири рўзадорнинг дуоси бўлса, иккинчиси жума куни ижобат бўладиган дуодир. Бу ғанимат фурсатларни ўтказиб юбормайлик, яқинларимизга ҳам эслатайлик!



### 243. Рамазоннинг 29 кечаси

Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Қадр кечасини Рамазон кечаларининг охиридан қидиринглар», дедилар.

*Ибн Хузайма ривояти*

Набий соллаллоху алайхи васаллам: «**Қадр кечаси Рамазоннинг 27 ёки 29 кечасидадир. Бу кеча фаришталар ердаги тошлардан ҳам кўп бўлади**», деб айтдилар.

*Имом Аҳмад ривояти*



لَا تُقْرِنَّ مَنَاجَاتَكُمْ بِأَذْكُورٍ  
بَلْ قُلْ: اللَّهُمَّ تَقْبِلْ مَنَاجَاتِنَا  
وَاعْدُهُ عَلَيْنَا أَعْوَامًا مَدِيدَةً مَجْتَمِعَينَ  
لَا فَاقْدِينَ وَلَا مَفْقُودِينَ وَلَا تَحْرِمَنَا  
عَطْفَكَ وَمَغْفِرَتَكَ يَارَبَّ

244. «Хайр, Рамазон!» деманг.

«Аллоҳим, Рамазондаги рўзамизни қабул қилгин, ўзимииздан ҳам, орамиздан ҳам ҳеч кимни айирмасдан, узоқ йиллар Рамазонда жам бўлиб юришимизни насиб қилгин. Роббим, меҳру мағфиратингни биздан дариғ тутма!» деб дуо қилинг.



245. Раҳмат ва барака ойи бўлмиш Рамазоннинг сўнгги кунлари яқинлашиши муносабати билан Ибн Жавзий айтган нарсаларини эслаб ўтамиш!

От маррага яқинлашган сари мусобақада ғалаба қозониш учун бор кучини ишга солар экан.

От сендан кўра фаросатли бўлиб қолмасин!

Амаллар хотимага қараб баҳоланади!

Кутиб олишни қойилмақом қилмаган бўлсанг, хайрлашишни чиройли қилиб қўй!



د أحمد عيسى المعصراوي

بالأمس كنا نقول رَمْضَانُ أَهْلًا  
وَالآن نقول رَمْضَانُ مَهْلًا !

ما أسرع خطاك ..  
تأتي على شوقٍ وتمضي على عجل !

اللهم اعتص رقابنا من النار

246. Кечагина: «Хуш келибсан, Рамазон», дея сени кутиб олган эдик.

Ҳозир эса: «Шошма, эй Рамазон!» дея кузатиш остонасида турибмиз.

Қадам ташлашинг мунча тез бўлмаса!

Шавқ билан келасан-да, шошилинч кетасан!

Аллоҳим! Жисмимизни дўзахдан озод қил!

د أحمد عيسى المعصراوي

رمضان

أخذ يلمم أيامه ويستعد للرحيل  
اللهم لك الحمد ان جعلتنا نتنفس نسمات  
هذا الشهر

اللهم كما بلغتنا إياها فلا تحرمنا القبول

رمضان يعلمنا

247. Рамазон жўнаш тадоригини кўриб, кунларини

йиғиштиришни бошлади.

Аллоҳим! Ушбу ойнинг хушбўй ҳидидан нафас олдирганинг учун Ўзингга ҳамд бўлсин!

Аллоҳим! Ушбу ойга етказганингдек, ундаги ибодатларнинг қабулидан ҳам маҳрум қилма!



248. Рамазон ойининг охирги кунида қуидагиларни айтиб қоламиш:

Барча ойларнинг Робби танҳодир. Рамазоннинг Робби шаввол ойи ва бошқа ойларнинг ҳам Роббидир. Бизнинг вазифамиз қайси ой бўлишидан қатъи назар, Роббимиз жонимизни олиб, то биздан рози бўлгунига қадар ибодат қилиб, динида мустаҳкам қолишимиздир.

Аллоҳим! Бизларни мустаҳкам дининг ва тўғри йўлинг узра событқадам қил! Кўз очиб юмганчалик фурсат ҳам ўз ҳолимизга ташлаб қўйма!



249. *Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фитр закотини (садақасини) рўзадор учун беҳуда гап-сўз ва ҳаракатлардан покланиш ва мискинлар учун таомланиш бўлсин, деб фарз қилдилар. Ким уни (ҳайит) намоздан олдин адо қилса, у мақбул закот бўлур. Ким уни намоздан кейин адо қилса, садақалардан бири бўлур (фитр закоти эмас, одатий садақалардан бўлиб қолади)»

*Абу Довуд, Ибн Можа ва Ҳоким ривоят қилишиган. Ҳоким саҳиҳ, деган.*



250. Ийд(ҳайит)нинг Исломда икки улкан маъноси бор:

1. Раббоний.
2. Инсонпарвар.

Мусулмонларнинг байрами ушбу икки маънога боғлиқдир.

Раббоний маъноси – убудиятдир, яъни инсон ҳатто байрам кунлари ҳам Роббини унутмайди ва байрам кунлари шаҳватлар ортидан эргашмайди. Балки мусулмонлар байрами такбир ва намоз билан бошланади.

Қисқа қилиб айтганда, ҳайит намози Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш, демакдир.



251. Ҳайит билан табриклаш!

*Жубайр ибн Нуфайрдан ривоят қилинади:*

«Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг сахобалари агар ҳайит куни учрашиб қолишса, бир-бирларини: «Тақоббалаллоҳу миннаа ва минкум», яъни «Аллоҳ бизу сиздан (ибодатларимизни) қабул қилсин», деб табриклашар эди.

Хофиз ибн Ҳажар: «Бунинг санади ҳасан», дейдилар.



252. «Али розияллоху анху: «Ҳайит(намози)га пиёда чиқишиш ва чиқищдан олдин бироз нарса еб олиш суннатдир», дедилар».

*Имом Термизий ривоят қилған.*



253. Ҳофиз ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ: «Ҳайит кунлари шодликни изхор қилиш диннинг шиорларидандир», дедилар.

## التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوي

قبل شهرين ودعنا ( أيام معدودات )  
وبعد يومين نستقبل ( أيام معلومات )  
فمن قصر فيما فات  
فليحسن في العشر القادمة.

254. Икки ой олдин "Саноқли кунлар бўлмиш Рамазон" хайр деяётган эдик.

Бир-икки кунда "Маълум кунлар бўлган Зулхижжанинг ўн кунлиги" марҳабо деб кутиб оламиз. Ким Рамазонда яхшиликларни ўтказиб юборган бўлса, келаётган маълум кунларда чиройли амалларни қилиб олсин!



255. Зулхижжа ойининг ўн кунлиги:

– Яхшиликлар қилиб олиш учун у кунни ўрнини босадиган эваз йўқ.

- Тавба ва ёмонликларни каффорати қилиб олиш учун у кунни ўрнини босадиган эваз йўқ.
- Аллоҳ билан алоқа ўрнатиб, ҳаётда янги сахифа очиш учун у кунни ўрнини босадиган эваз йўқ.
- Аллоҳдан файзу-футух, каромат ва атоларни қўлга киритиш учун у кунни ўрнини босадиган эваз йўқ.
- Аллоҳни муҳаббатини қозониш учун у кунни ўрнини босадиган эваз йўқ.
- Аллоҳ йўлида бор куч ва имкониятини ишга солувчилар даражасини қўлга киритиш учун у кунни ўрнини босадиган эваз йўқ.
- Кўплаб яхшиликларни бажариш учун у кунни ўрнини босадиган эваз йўқ.



256. Зулхижжа ойининг аввалги ўн кунлигига афзал бўлган амаллар:

1. Қурби етган одам ҳаж қилиши.
2. Аллоҳ зикрини кўпайтириш.
3. Масжидни жамоатда иштирок этиш билан обод қилиш.
4. Нафл намозларни кўпайтириш.
5. Нафл рўза тутиш.
6. Қуръон тиловати.

7. Садақа.
8. Тунги таҳажжуд намози.
9. Қурби етса Қурбонлик қилиш.
10. "Алхамдулилах", "Лаа илаха иллаллох", "Аллоху акбар" каби зикрларни айтишга машғул бўлиш.



257. «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон зулҳижжа ойини қўрсангиз ва сизлардан бирингиз қурбонлик қилишни хоҳласа, сочи ва тирноғини олишдан тўхтасин», дедилар».

Имом Муслим ривояти.

Азиз ака-укалар! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини биргалиқда ихё қилайлик. Чунки унда дунё ва охират баракаси бор.


Яна бошқа ҳадисда келтирилишича:

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

«Кимнинг сўядиган қурбонлиги бўлса, Зулҳижжанинг ойи қўрингандан бошлаб, то қурбонлик қилгунича, сочидан ҳам, тирноғидан ҳам ҳеч нарсани олмасин», дедилар».

Имом Муслим, Термизий ва Абу Довуд ривояти

**Шарҳ:** Курбонлик сўйишини ният қилган одам ва унинг оила аъзолари Зулҳижжа ойи кирган кундан бошлаб, то қурбонлик қилингунча соchlари ва тирноқларини олдирмай юришлари лозим. Ким бу ишни, яъни, соч ва тирноқ олдиришни қилса, макруҳ ишни қилган бўлади. Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунида соч ва тирноқларни олмай юришнинг сабаби эса, қурбонлик қилганда ундан кўпроқ аъзо иштирок этсин, токи, қиёматда Аллоҳ таоло қурбонлик сабабидан уни дўзахдан озод қилганда кўпроқ аъзоси озод бўлсин, деган яхши умиддир.



258. Ушбу зулҳижжанинг ўн кунлигига яхшилик қилиб қолинг. Чунки у тез келиб кетувчи меҳмон, сояси енгил, совғаси кўп, жўнаб қолиши тез кунлар бўлиб, дунё кунларининг энг афзалидир.



259. "(Зул-хижжа ойидаги аввалги) ўн кечага қасам"  
(Фажр сураси, 2-оят).

– Бу шундай улуғ кунларки, Аллоҳ таоло у билан қасам ичган.

- У умр кунларининг энг афзали.
  - У маълум ва машҳур кунлардан.
  - Шундай улуғ кунларки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалам солиҳ амал қилиб қолишга тарғиб қилганлар.
  - Шундай улуғ кунларки, у кунларда ҳаж амали бор.
  - Шундай улуғ кунларки, унда арафа куни бор.
  - Шундай улуғ кунларки, унда қурбонлик бор.
  - Шундай улуғ кунларки, унда ибодатларнинг онаси ўрин олган.



260. Зулҳижжанинг ўн кунлиги бошланди. Агар сен Аллоҳ ҳузуридаги мақомингни билишни хоҳласанг ушбу фазилатли кунларда нима қилаётганингга қара. Ушбу кунда Аллоҳ солиҳ амалга муваффақ қилган киши ҳақиқий ютуққа эришган кимсадир.

من رحمة الله أنه لَمَّا جعل عشر ذي الحجة  
أفضل الأيام فضل (الذكر) فيها لسهولته،  
حتى ينال الأجر كلَّ راغب ولا يُحرِّم منه إلَّا  
من يستحق الحرمان .

عبدالعزيز الطريفي

261. Зулҳижжанинг ўн кунлиги кунларнинг энг афзали бўлиши Аллоҳнинг раҳматидир. Ҳар-бир қизиқувчи кимса савобга эришиши осон бўлиши учун бу кунда зикрни фазилатли қилди. У кундан махрумликка хақли бўлганларгина йўлиқишиади.



الصيام العبادة الوحيدة التي  
لا يعلم أجرها إلا الله فلا  
يفوتك صيام يوم عرفة

262. Рўза бирдан-бир ибодатки, унинг савобини фақат Аллоҳ билади. Шундай экан, Арафа кунги рўзани ўтказиб юборманг!

الأيام العشر ...  
هذه أيام مضاعفة الحسنات...  
هذه أيام إجابة الدعوات...  
هذه أيام الإفاضات والنفحات...  
هذه أيام عتق رقاب الموبقات...  
هذه مواسم الأرباح والمجاهدات  
عند ذوي الهمم العاليات ...  
فأكثروا فيها من التسبيح والتحميد  
والتهليل والتکبير والاستغفار والتوبة  
والإقلال عن الذنوب والسيئات...  
ولا تذهب الأعمار منكم في الغفلات  
والتعادي في الشهوات...  
فتندموا حين لا ينفع الندمات

263. Зулхижжанинг ўн кунлиги:

- Бу кунларда яхшиликлар кўпайтириб берилади.
- Бу кунларда дуолар ижобат бўлади.
- Бу кунларда илоҳий файз-футух бўлади.
- Бу кунларда ҳалокатга олиб борувчи гуноҳлардан озод қилинади.

– Бу кунлар олий ҳиммат әгалари учун фойдани қўлга киритиш мавсусидир.


– Мазкур кунда "Субҳоналлоҳ", "Алҳамдуиллаҳ", "Аллоҳу акбар", "Лаа илаха иллаллоҳ", "Астағфируллоҳал ъазийм ва атубу илайх"ни кўп айтиб, гуноҳ ва ёмонликлардан батамом тўхтаб, тавба қилишни йўлга қўйинг. Умр, ғафлат ва шаҳватга берилиш билан ўтиб кетмасин. Афсус ва надомат фойда бермайдиган кунда пушаймон бўлиб қолманг!



264. Солих салафлар эҳтиёжлари учун қиладиган дуоларини арафа кунига сақлаб қўйишар эди. Қанчадан қанча орзу-умидлар ва дуолар арафа куни оқшомида ижобат қилинган. Рамазон ойидаги қадр кеча қайси кунлиги аниқ бўлмагани учун уни билмаймиз. Аммо Зулҳижжанинг Арафа куни ҳакида Аллоҳ бизга аниқ хабар бериб қўйган. Шундай имконият бўлса ҳам камчиликка йўл қўямизми?

Агар арафа кунининг оқшомида ўзинг билан ўзинг холи қолиш имкони бўлса, яъни холи қолиб дуо қилиш имкони бўлса уни амалга ошир. У аср намозидан то шом намозининг азонигача бўлган фурсат оралигидадир.

Солихлардан бири: Аллоҳга қасам! Арафа куни бирор дуо қилсам, бир йил ўтмасидан туриб уни худди тонгни ёришгани каби амалга ошганини кўрдим", деб айтди.



265. Абу Қатодадан ривоят қилинади:

Набий саллаллоху алайҳи васаллам:

"Арафа кунининг рўзаси ундан олдинги ва ундан кейинги йиллардаги гуноҳларга каффорот бўлади деб Аллоҳдан умид қиласман", деб айтдилар.

Имом Муслим ривояти.

#### التغريدة



د.أحمد عيسى المعصراوى

فرصة لا تدعها تفوتك  
مفورة ذنوب عامين  
بصيام يوم عرفة الأحد  
٢٠١٦/٩/١١  
ذكر بها غيرك  
لا تدرى من سيصوم بسبب تذكريك  
قبل الله منا ومنكم

266. Якшанба кунги арафанинг рўзасини тутиш фурсатини ўтказиб юборманг! Чунки у икки йиллик гуноҳлар

учун кечирилиш фурсатидир. Буни бошқаларга ҳам эслатинг. Эҳтимол сиз сабабли бошқалар ҳам рўза тутар.



267. Абу Катода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан арафа кунидаги рўза хусусида сўралди. Шунда у зот: “Ўтган йил ва қолган йилдаги (гуноҳлар учун) каффоратдир”, дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.



268. Арафа кунидаги дуони эслаб қўйинглар:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Дуоларнинг яхшиси арафа кунидаги, мен ва мендан олдинги набийларнинг “Лаа илаха иллаллоҳу вахдаху лаа

шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шай`ин қодийр”, деб айтган дуосидир”, дедилар.

Маъноси: “Якка Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. Унинг шериги ҳам йўқ. Мулк Уницидир. Унга ҳамд бўлсин. У ҳар-бир нарсага Қодирдир”.

Имом Термизий ривояти.

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

لَئِنْ كَانَتْ لِلِّيْلَةِ الْقَدْرِ مَجْهُولَةً .  
فَإِنْ يَوْمَ عَرْفَةَ مَعْرُوفٌ .  
وَلَئِنْ كَانَتْ لِلِّيْلَةِ الْقَدْرِ تَنْزَلُ فِيهَا الْمَلَائِكَةُ  
فَإِنَّ اللَّهَ جَلَ جَلَالَهُ يَنْزُلُ فِي يَوْمِ عَرْفَةٍ .

269. Агар қадр кечаси номаълум бўлса, арафа куни аниқдир. Агар қадр кечасида фаришталар тушса, арафа куни Аллоҳ таолонинг Ўзи тушади.



270. Набий саллаллоху алайҳи васалламнинг васиятларидан:

Арафа куни, Аллоҳ бандаларни дўзахдан кўп озод қилганчалик бошқа бирор кун йўқ!

Имом Муслим ривояти.

### التغريدة



د أحمد عيسى المعصراوي

فَمَا مِنْ يَوْمٍ أَكْثَرُ فِيهِ عَتْقًا مِنَ النَّارِ مِنْ يَوْمِ عَرْفَةَ  
اللَّهُمَّ اعْتَقْنَا وَرْقَابَ أَبَائِنَا وَأَمَهَاتِنَا وَأَوْلَادِنَا  
وَزَوْجَاتِنَا وَأَحْبَابِنَا وَكُلِّ مَنْ لَهُ فَضْلٌ عَلَيْنَا مِنَ النَّارِ

271. Арафа кунидан кўра дўзахдан кўп озод бўладиган кун йўқ!

Аллоҳим! Бизларни, ота-оналаримизни, фарзандларимизни, аёлларимизни, дўстларимизни ва барча яқинларимизни дўзахдан озод қил!



272. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:

"Албатта Аллоҳ таоло само ахлига арафотда турганлар билан фахрланиб: "Бандаларимни кўриб қўйинглар! Улар соchlари тўзғиган, чангга ботган ҳолда (ернинг ҳар томонидан) Мен томон келишган", деб айтади.

Ибн Хузайма, Байҳақий ва Ибн Ҳиббон ривояти.



273. Ибн Умар ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумолар зулҳижжанинг ўн кунлигига бозорга чиқиб такбир айтишар, одамлар ҳам улар айтишганидек такбир айтар эди.

Имом Бухорий ривояти.

**Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Лаа илаҳا إلَّا اللَّهُ وَلَمْ يَكُنْ لِّلنَّاسِ شَرِيكٌ**

تذکیره:

بمناسبة قرب وقت الأضاحي ، إياك أخي المسلم أخي المسلمة من نقل أو كتابة أي نكت أو صور أو تعليقات ساخرة عن الأضاحي ، فهذا شعيرة من شعائر الله ، قال الله تعالى في محكم تنزيله : {ذلك وَمَن يُعْظِمْ شَعَابَرَ اللَّهِ فَإِنَّهَا مِنْ تَفْوِي الْقُلُوبِ}.

لـ ساهم في نشرها لنعم القائدة ، ولتنال الأجر بإذن الله تعالى.



## 274. Қурбонлик кунлари яқинлашиб келаётгани муносабати билан ЭСЛАТМА!

Мусулмон биродарим, муслима синглим!

Қурбонликка сўйиладиган жониворларни масхаралайдиган сурат, изоҳ, латифа ёки ёзувларни тарқатишдан эҳтиёт бўлинг. Зоро, қурбонлик Аллоҳ таолонинг шиорларидан биридир.

Аллоҳ таоло бу ҳақда Қуръони каримда шундай деган:

**«Ана шундай. Ким Аллоҳнинг шиорларини улуғласа, албатта, бу қалбнинг тақвосидандир» (Ҳажс сураси, 32-оят).**

**Изоҳ:** «Шиорлар» деб таржима қилинган сўз оятда «шашааир» деб келган. У «шашийра» сўзининг кўплик шакли бўлиб, шиор, нишон, белги, аломат маъноларини билдиради. Бу сўз Аллоҳ таолога нисбат берилиб, «шашааируллоҳ» (Аллоҳнинг шиорлари) дейилса, Аллоҳнинг дини, Ислом шон-шавкатининг аломати бўлган ибодатлар кўзда тутилади. Хусусан, ушбу ояти каримада бу сўз тагида қурбонликка сўйиладиган жониворлар кўзда тутилмоқда.



275. Икки ҳайит кунлари такбир айтиш мустаҳабдир. Фитр (Рамазон) ҳайити куни уйдан чиққандан бошлаб то намозгоҳга келгунча такбир айтилади. Қурбон ҳайитида эса арафа кунининг бомдодидан бошлаб ташриқ кунининг охиригача (асрдан кейингача) айтилади.

**«Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар! Лаа  
илаахا اillalaohu vallohu akbar! Аллоҳу акбар ва  
liillaahil ҳамд».**

(*Аллоҳ улугдир! Аллоҳ улугдир! Аллоҳ улугдир! Аллоҳдан  
боиқа илоҳ йўқдир! Аллоҳ улугдир! Аллоҳ улугдир! Аллоҳга  
ҳамд бўлсин!*)



276. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:  
Ким қурбонлик терисини сотса, демак у қурбонлик  
қилмабди", дедилар.  
Имом Ҳоким ривояти.



277. Набий саллаллоҳу алайҳи васаллам:  
"Ким ҳайит намозидан олдин қурбонлик сўйса, у ўзи учун  
сўйибди, (яъни, қурбонлиги қабул бўлмайди). Ким ҳайит  
намозидан кейин қурбонлик сўйса, унинг қурбонлиги  
мукаммал бўлиб, мусулмонлар суннатига етишибди",  
дедилар.

Имом Муслим ривояти.



278. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

◻Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам иккита шохдор, ола қўчқорни ўз қўллари билан сўйдилар. Тасмия ва такбир айтдилар, оёқларини уларнинг ёнбошига қўйдилар◻

Имом Бухорий ривояти.



## 279. Курбонлик дуоси!

اللَّهُمَّ إِنَّ صَلَوٰتِي وَسُكْنِي وَمَحْيَايٍ وَمَمَاتِي لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ، لَا شَرِيكَ لَهُ، اللَّهُمَّ تَقْبَلْ هَذِهِ الْأُضْحِيَّةَ.  
بِسْمِ اللَّهِ وَاللَّهُ أَكْبَرُ، اللَّهُمَّ هَذَا مِنْكَ وَلَكَ، اللَّهُمَّ تَقْبَلْ هَذِهِ الْأُضْحِيَّةَ مِنِّي أَوْ مِنْ قُلَانِ.

Аллоҳумма инна солатии ва нусукии ва маҳяя ва маматии лиллаҳи роббил аламиин. Ла шарийка лах, Аллоҳумма тақоббал ҳазиҳил узҳията.

Бисмиллаҳи Аллоҳу акбар. Аллоҳумма ҳаза минка ва лака Аллоҳумма тақоббал ҳазиҳил узҳията минний.

Маъноси; Аллоҳим менинг намозим ва ибодатим, тириклигим ва ўлимлигим, барча оламнинг ҳожаси булган Аллоҳ учундир. Аллоҳнинг тенги ва шериги йуқдир.

Аллоҳим бу қурбонликни қабул айла.

Аллоҳнинг номи билан. Аллоҳ улуғдир. Аллоҳим, бу сендан ва сенинг учундир. Аллоҳим, бу қурбонликни мендан қабул этгин!



280. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам:  
"Кимнинг кенг ризқи бўлатуриб қурбонлик қилмаса,  
бизнинг намозгоҳга яқинлашмасин", дедилар.

Имом Аҳмад ривояти.